


Шухрат РИЗАЕВ

Баходир  
йўлдошев  
театри



Шуҳрат РИЗАЕВ

ҲАХОДИР  
ЙЎЛДОШЕВ  
ТЕАТРИ

(Мақолалар, бадиалар, қайдлар)

12/133



Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2015

УЎК 821.512.133-1

КБК 85.33(5Ў)

P51

Ризаев, Шухрат

Баҳодир Йўлдошев театри: мақолалар, бадиалар, қайдлар/ Ш.Ризаев. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, 2015. 124 б.

Янги саҳна шаклларини топиш, давр мавзуси, фоялари, характер, ўзбек театри анъаналарини унумтаган холда жаҳон театри жараёни кенгликларига чиқишига интилиш, бугунги кун учун долзарб бўлган мавзуларни ҳозиржавоблик билан саҳнага олиб чиқиши режиссёр Баҳодир Йўлдошев ижодига хосдир.

Ушбу ижод йўлини ўзининг ҳаёти, тақдири деб билган, ўзбек театр санъатининг ривожига беҳисоб хисса қўшган, ҳар бир саҳналаштирган спектакли воеага айланган беназир ижодкор, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошевнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ мақолалар, бадиалар ва қайдлардан тартиб топган мазкур китоб Сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК 821.512.133-1

КБК 85.33(5Ў)

© Шухрат Ризаев

© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2015

ISBN 978-9943-03-649-9



## “ОДАМ – ТЕАТР”

(“Изоҳнома”га изоҳ)

Ўтган аср 80-йиллар бошларида французларнинг буюк актёри Луи де Фюнес бош ролни ўйнаган “Одам – оркестр” (“Человек – оркестр”) номли машҳур фильм бўларди. Унда қаҳрамон бир пайтнинг ўзида битта мусиқани ижро этадиган ўнлаб турли хил созлардан иборат оркестрга ўхшаб бир неча ишни бир вақтда бажараб, бу билан ўша даврлардан бошлаб айрича шитоб олган глобаллашув жараёнларининг сурати ва сийратини намойиш этар эди. Шу-шу “Одам – оркестр” деган тушунча учирма иборага айланиб, замонавий тил бойлигига сингиб кетди.

Нима учундир ўзбекнинг бизга замондош етук режиссёри Баходир Йўлдошев ҳақида ўйласам ўша ибора хаёлга келаверади. Билхосия бу иборани бироз таҳрирлаб “Одам – театр” деб қўлласак мақсад-муддао яққол аёнлашади. Ҳа, Баходир Йўлдошев бу “Одам – театр”, факат театр оламида яшайдиган, театрдан ўзга нарсани билмайдиган, аникроғи, билишни

истамайдиган ва айни чоғда ҳамма нарсаны биладиган, билиб жой-жойида қўллай биладиган ноёб шахс, фавқулодда одам. Шунинг учун ҳам етук, беназир, бетакрор ва ҳоказо... Ана шу инсон бу йил кўп эмас, оз ҳам эмас, 70 ёшга кирди. Кўпгина тенгқурларидан фарқли у аллазамоилардаёқ соқол қўйган, сўзлаш манераси ҳам ўша-ўша ўқтам, дадил. Асли бу фикрлашнинг ўқтамлиги, тезкорлиги, таҳлилий-қиёсий тафаккурнинг тийраклигидан, албатта. Соқол-мўй ҳам нуроний қариянинг оқ соқоли эмас, балки ўша ўттиз йиллар нари-берисидан келаётган мош-гуруч соқол. Аммо энди бироз гуручи кўп, ҳамиша кузалган, қиёфага ўша-ўша ахли санъат ёрлигини бағишлаган белги. Таассуфки, бизнинг ўтган аср 90-йилларидан муштарақ кечган йўлларимиз сўнгги ўн-ўн беш йилда айро келди. Йўқ, муносабатларимиз бузилгани, қарашларимиз ўзгаргани йўқ. Билъакс, улар шундайлигича турибди, муомила-манзират баҳарнав, дилдорликлар ҳам баҳархол... Аммо ҳаёт, тирикчилик деганлари биз, балки айнан мен ўйлагандан кўра мураккаброқ, мушкулроқ, сирлироқ экан...

Бундан роппа-роса ўн беш йил муқаддам “Сахна маънавияти” номли китоб чоп эттирган эдим. Унга кириш – “Изоҳнома...” битиб, мухтарам ўқувчига ўз андишаларимни айтгандим ҳам. Шунга кўра келгусида бир китоб тартиб этмоқни ва уни “Баҳодир” номи билаи чоп этмоқликини ният қилгандим... Ният ниятлигича

турибди... Ҳануз бу китоб ёзилгани йўқ. Бироқ орада яна нималардир қилинди. Баҳодир ака номи билан боғлиқ жамоа-жамият ҳаётида, қанча ихлосманд санъатсеварлар ҳаётида нималардир кечди ва, албатта, каминанинг кейинги турмуш-кечирмишларида ҳам бу зот номи тилда ва дилда бўлди, ўзи билан маълум муносабат-мавозаларга киришилди. Айниқса, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, мамлакат миқёсидаги тамоша тадбирлар, “Дийдор” театр-студияси фаолияти... Шуларга доир не бир мулоҳазалар ҳам айтилди, ёзилди, эълон қилинди. Ва, албатта, камина учун энг муҳими Баҳодир Йўлдошев феноменини ўзимча англашга уринган “Қисмат” номли ижодий портрет-рисола қофозга тушди, “Тафаккур” (2007) журнали ва “Маънавият манзиллари” (2008) китобимда чоп этилди.

Рисолада Баҳодир аканинг ҳаёт ва ижод йўли кузатилиб, унинг театр санъатимиздаги ўрни, бадиий кашфиётлари борасида сўз юритилиб, пировардида шароит ва вазият тақозосига кўра майдон томошалари ва таълим жараёнларига берилгани бироз ўқинчу армон билан қайд этилган эди. Чунки ўзбек театр санъатида Баҳодир Йўлдошев даври ҳали якунига етмаган, бинобарин, нихояланмай, аро йўлдан тўхтаб қолаётгандек эди. Шу боис, гўё ҳаддим сифадигандек, озроқ гинахонлик ҳам қилган жойларим бор. Чунки уни маънавий оғам деб билиб, устоз мақомида суй-

ганим, ҳурматлаганим, эъзозлаганларим сир эмас. Ҳаётимнинг жуда кўп хуш дамлари, тафаккуримнинг ҳайратларга чулғанган нечача соҳир онлари шу инсон билан боғлиқ. У ҳам буни сезгандек, бирор жиддий нарса тайёрласа каминага илиниб туради. Келиб кўришимни истайди. Айниқса, “Дийдор” театр-студиясида қилаётган экспериментлари, ўқув усул-услублари, кашф этишга уринаётган истеъдодли қиз-йигитлари воситасида Баҳодир Йўлдошев номи ва санъати яшаётганини эслатмоқчи бўлади, назаримда...

Камина ўша рисола ёзилгандан бери саккиз йилча ўтган даврни яна ўрганиб, мушоҳада этиб, битикларни бир неча янги саҳифалар билан тўлдирдим. Аканинг етмиш йиллигига гўё сарҳисоб қилгандек бўлдим. Аввалгидек бадиа қилиб, таассурот ва ҳиссиётларимни жиловламай, тўкилиб ёздим. Ва илк бор энди шу баҳона ўқувчи ҳукмига ҳавола этмоқчиман.

Дарвоқе, барибир, мўъжазроқ бўлса-да, китоб қилиш истаги мудом хаёлдан кетмаяпти. Ҳа-да, сўнгти ярим аср театр санъатимизнинг, балки бори замонавий томоша санъатимизнинг тўла эътироф этилган дарғаси етмишга кирадиу, чоғроқ бўлса-да, китоб чиқармаслик биз мухлису муҳибларига густоҳлиғ, бесубутлик, оқибатсизлик бўлмайдими?! Мазкур андишаларда Баҳодир ака билан боғлиқ битикларим, аксарият “Саҳна маънавияти”га мувофиқ барча мақола ва тақризларни тўлдириб, бойитилган рисола

билин қўшиб китобча тартиб этмоқни ихтиёр айладим. Шояд, Акага хурматим, эҳтиромим рамзи ўлароқ мавлуди шарифига ожизона тортиқ бўла олса...

*P.S.: Азиз китобхон, қайд этмак жоизки, аввалу ҳозирда ёзилган ва эълон этилган барча битикларимизни жузъий таҳтирилар билан асл ҳолича қолдирдик.*

2015 йил





## ИЗОҲНОМА

(“Саҳна маънавияти” тўпламидан,  
2000 йил)

Муҳтарам ўқувчим!

Аслида, “Баҳодир” деб номланган бир китоб чоп эттиришни ният қилгандим. Афсуски, ҳамиша етишмайдиган фурSAT, иш, кундалик майдачуда юмушлар сабаб, ният амалга ошмай турибди. Қарийб ўн беш йил ораси турли муносабатлар билан ёзилган, асосан, саҳна санъати билан боғлиқ мақолаларимни жамлаб кўрсам, бинойи бир тўплам чиқадигандек туюлди. Тўғри, мақолалар турли йилларда турлича кайфият, ҳолат ва турлича эҳтиросларда қофозга тушган. Уларда ёзилган давр ҳодисалари, руҳияти, тушунчалари акс этиши табиий ҳол. Бироқ бир-бир назардан ўтказсам, айрим жузъий таҳрир ва мазкур “Изоҳнома” билан мақолаларни тўплам шаклида бугунги ўқувчига тақдим этиш мумкиндек туюлди. Нокамтарлик бўлса-да, айтай: сабаби саҳна санъатимиз тарихи, бугунги ва эртанги ривожи, мезону ўлчамларини тўғри белгилаш учун асқотиб

қолар деган ўйга бордим. Нафсиамрини айтганда, бизда 80–90-йиллар сахна адабиёти ва унинг талқинлари, талқинчи режиссёр ва актёрлари, хусусан, Ўзбек Давлат драма театрида кечган жараёнлар хақида дурустроқ, яхлитроқ бир тадқиқот ҳаиуз яратилгани йўқ. Унда-бунда айрим спектакллар таҳлилини ҳам қамраган диссертациялар ёқланаётгани қулоққа чалинади-ю, афсус, диссертация ниҳоятда тор давра назаридан нарига ўтмайди. Хуллас, келгуси ўзбек театр ва драматургия солномалари учун яраб қолар деган андишада, битикларимни жамлаб, ҳукмингизга (бугуиги ҳукмингизга) ҳавола этмоқдаман, шояд уларнинг бугун ва келгусида ҳам яраб қолишини, ўзим каби, Сизлар ҳам эътироф этсангиз.

Шу мулоҳазаларда “Изоҳнома”ни қоғозга тушираман дея, мақолаларий яна бир-бир варақладим... Қизик, ниятимга эш ғалати бир мутаносиблик кашф этгандек бўлдим. Мушоҳада этиб кўрсам, сахна санъатига оид барча мақолаларим ё бевосита, ё билвосита Баҳодир Йўлдошев билан боғлиқ экаи. Биринчи туркум битикларни изоҳлашга ҳожат йўқ. Ё Баҳодир ҳақида ва ё у қўйган спектакллар хусусида. Иккинчи ва учинчи туркум мақолалар эса билвосита Баҳодир Йўлдошев сабоқлари маҳсули. Йўқ, сира муболага йўқ. Дарҳақиқат, шундай, худди шу туфайли ҳам мақолаларнинг хронологик тартиби одатдагидек тадрижда эмас. Бошлиб, айтгаимдек, Баҳодир ва у Ўзбек

Давлат драма театрида сўнгги ўн йил ораси саҳналаштирган спектаклларни бир ном остида жамлаш маъқул кўринди. Кейинги бўлим 1983 йилдан – энди-энди қаламни дадилроқ ушлай бошлаганимдан то бугунгача саҳна ва, умуман, санъатдан туйган завқу шавқим, бу сирли дунёning синоатларидан огоҳ бўлмоққа суйиб интилишларим ва қадри тушиб борганини кўрганимда, куйиб-ёнишларим самаралари. Учинчи бўлим асосан тарих.

Мен театр дунёсининг турфа синоатлари билан яқинроқ танишганим сари, унинг кечмишларини, хусусан, Оврўпocha турдаги миллий театримиз туғилиши, саҳна адабиётининг сарчашмаларини билиш эҳтиёжи шу қадар зўрайиб борди. Чунки росмана профессионал театримиз инқилобдан кейин шаклланган ва унинг асосчиси фақат Ҳамза Ҳакимзода дейилавериб, шунчалар маҳобатли “Хитой девори” тикланган эканки, инқилобнинг ўзи бир тўда манфаатпараст сиёсий қаллобларнинг нафс илинжидаги тўнтариш ва хунрезлиги экани ошкор бўла бошлагач, бу “Хитой девори”да ҳам ёриқлар кўриниб, унинг ортида жадидчилик деб ном олган (айтмоқчи, Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзи ҳам мансуб бўлган) бир буюк ҳаракатдан туғилган ниҳоятда рангин ва ўта салмоқли театр ҳам драматургия дунёси борлиги аёнлашди. Шуни билмоқ илинжида давр матбуоти ва бошқа бирламчи манбаларни топиб ўрганганим сари, жадид театри ва драматургияси деган илмий-тарихий бир истилоҳ борлигига ва

у, назаримда, кейинги етмиш йиллик шўро даври ўзбек драматургиясига нисбатан бойроқ ва бадиий қимматлироқ эканига, ўн беш йилча кечган қисқагина вақтида шўролаштирилган театрчиликка нисбатан анчагина қизғин, эҳтиросли ва оммавий тус ола билганига амин бўлдим. Ба яна энг қизифи – санъат нуқтаи назаридан ўша йиллар драматургиясидаги жуда етук ҳодиса Ҳамза Ҳакимзода эканлиги ҳайратга солди. Дарвоқе, бу эътирофга ҳам сабаб Баҳодир бўлди.

У саксонинчи йилларнинг ўрталарида Ҳамзанинг “Майсарапанинг иши” комедиясини ҳам сахна, ҳам майдон томошаси шаклида постановка қилди. Ўша йиллар театр ҳаёти-мизда воқеа бўлган, халқона руҳдаги, импровизацияга бой, шўх, шовқинли, завқли бир томоша яратилди. Гарчи расмий доиралар анча қаршилик қилган бўлса-да, спектакль ўзбек ва кейинроқ “Наврўз” театр фестивали сабаб, хориж томошибинларида катта қизикиш уйғотди.

Бу спектакль Баҳодир Йўлдошев томонидан Ҳамза асарларини замонавий талқинда сахналаштиришнинг иккинчи бир босқичи эди. Аввалроқ у “Бой ила хизматчи”ни Ҳамза номидаги академик театрда жуда ўзига хос янгича бир шаклда сахналаштирган эди. Мутахассислар эътирофи ҳамда ўзининг айтишича (мен спектаклни кўролган эмасман), у “Бой ила хизматчи”нинг дастлабки Ҳамза вариантидаги

фоявий-бадиий ечимини, яъни кейинрок қатъий сингдирилган синфийлик, инқилоб рухини эмас, балки, аксинча, мухаббатнинг софлиги, қалб гўзаллиги фоясини, ишқий-романтик услубдаги талқинни сахнага олиб чиққан. “Майсара...”, қайд этганимиздек, Ҳамза драматургиясига замонавий тушунча ва мушоҳадаларга кўра ёндошишнинг кейинги бир кўриниши эди. Шундан сўнг яна бир неча йил ўтиб, Баҳодир Йўлдошев Ҳамза ижодига учинчи бор мурожаат этди, драматургнинг анчагина мураккаб ва ўз номи билан сирли “Паранжи сирлари” (Холисхон) асарини сахналаштириди. Бу сафар ҳам аввалгиларга нисбатан янада теранроқ ва бадиий мукаммалроқ йўсиндаги янгича талқинни таклиф қилди. Ниҳоятда гўзал, юксак бадииятли спектакль яратилди. Мен Баҳодир аканинг аввалги қатор спектакллари каби, бу асаридан ҳам юксак ҳайрат ҳиссини туйдим. Ва ана шу туйгуни яширмай ўзига айтганимда, у менга: “Хозир ҳам ўзбек театрини Ҳамза қутқаряпти. У жуда замонавий драматург. Ҳали унга яна кўп марта қайтамиз”, деди. Шу тариқа Ҳамзани янгитдан ўқиш боис, асл моҳиятга интилиб, жадид театри ва драматургияси деган улкан дунёни ўзим учун кашф этдим. Бунинг натижаси қисман ушбу тўпламда ҳам ўз аксини топди.

Хотира аталмиш маънавий бисотни титаверса, не-не тарихлар жонланмайди. Ўйлаб қарасам, жамланган барча мақолаларнинг ўз

кичик тарихчалари, кечмишлари бор. Лекин гап бу ҳақда эмас. Қолаверса, ҳозирдан хотиралар жозибасига маҳлиё бўлиш навқирон ёшимизга ярашмас. Бироқ андиша шулки, баъзи мақолалардаги айрим тафсилотлар ўзгачароқ интиҳо топди. Баъзи “башоратлар” ҳақрост шундай бўлиб чиқди. Номларини ё у, ё бу муносабат билан зикр этганим Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Ўлмас Умарбеков, Георгий Бrim, Махмуд Дўсматов, Бердиали Имомов ва яна аллакимлар бу фоний дунёдан кўз юмиб кетишиди. Айримлар ё ижодий, ё майиший ва ё умуман мен билиб-бilmagan сабабларга кўра театрдан кетишиди, бошқа театрларга ўтиб кетишиди ва ҳоказо. Нима ҳам дея олардик... ҳаёт шундай экан. Лекин энг муҳими, ҳадик аралаш айтиб, орзулаган ниятларнинг баъзилари амалга ошди, армонлар ушалди – юртимиз мустақил бўлди, тилимиз давлат тили мақомини олди...

Очиғи, “Роман ва драма” номли мақолам 1987 йил “Ёшлик” журналида эълон қилинганида, тарихимизни фақат зулмат ичра кўравермай, унга холисроқ қарашиб лозимлиги, она тилимизнинг соғлиғи, ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишни буткул ўзгартириш ҳақидаги фикрлар, қолаверса, ҳали ҳеч ким билмайдиган бир йигитча отахон театр ҳаёти, актёрлари ва спектакли хусусида танқидий мақола эълон қилишга журъят этгани учун, анчагина “қаҳрамон” бўлиб юрганим ёдимдан

сира құтарилемаса керак. Дарвоқе, кейинрок бу журъат учун жабр құрганим ҳам сир әмас. Ёки “Шахслар фожиаси” 1988 йили яна ўша “Ёшлик” журналида чоп этилганды, “босмачи” аталиб келинган шахсларнинг ўз аждодларимиз эканини, Шукур ака (Холмирзаев) Баҳодир ака билан биргаликда бутун киноя, рамз ва таг матнда спектакль яратғанларини ёзғанимда, “харакат тарихи ортида шахслар тақдидири, кечмишлари турғани”ни спектакль воситасида исботлашға уринганимда, беш-үн йил ўтиб “босмачи” деганлари миллий озодлик курашчилари дея оқланишини орзулаган әдим, холос. Афсуски, эндиликда илмий-тарихий адабиётларда озодлик учун кураш сифатида қатыйй әътироф этилган бу мавзу “Кора камар” спектаклидан кейин на театр ва на бошқа санъат турида миқёсли, теран бадиий ифодасини топмади. Ваҳоланки, илм ахлига ҳам ҳақ гапни холис айтиш учун, бошлаб мазкур спектакль журъат бағишилаган әди. Айтганимдек, бугун барчаси тарих – хотира. Бу ёғига ҳам айтаверсам, адөғи йўқдек...

Аммо бир тарихни сира айтмасам бўлмас, чунки у умримдаги энг ёрқин сахифалардан, ниҳоятда эъзозли ва фараҳли хотиротдир. Қолаверса, ҳайратларимни ҳаддан оширган гўзал кечмиш. Бу Баҳодир ака билан ҳамкорлик қилиб, йўқ, аниқроғи, унга маҳлиё бўлиб, “Искандар” спектакли устида ишлаган кунларимиз. Бу ҳақда қисман “Кумдаги

режиссёр” қутлов мақоламда тафсилотларни келтирган эдим. Мен шу тафсилотларнинг давоми сифатида француз актёри Франсуа Шато билан бўлган ҳамкорлик ҳақида озроқ тўхтамоқчиман. Зеро, бу ҳақда “Фаранг “Малика”си ва ўзбек Баҳодири” номли мақоламда бир илмоқ ташлаб кетган эдим...


Мазкур китоб (Сахна маънавияти) муқовасида Баҳодир ака ва унинг ортида ҳазрат Алишер Навоий громада турган, викорли нигоҳлари бағоят маъноли, фариштали сиймо сурати бор. Уни ҳеч ким фаранг актёри деган хаёлга бормаса керак. Франсуа Шатога Алишер Навоий сиймоси таассуротини уйғотиши учун пардоз нечоғли салобат бағишлаган бўлса, ҳазрат қаломи унинг нафасида фаранг тилида шу қадар жозиба ва табиийлик билан жарангладики, бу мутаносиблиқдан факат ва фақат ҳайрат туйиш мумкин эди. Франсуа ўзи табиатан фалсафий фикрлашга мойил, унинг тушунча ва қарашларида ҳам Шарқ донишмандлигига яқинлик бор эди. Аммо юксак маърифатли одам сифатида, бу Шарқ, бу Фарб деб ажратмас, дунё ва инсониятни бир бутунликда олиб қарайдиган самимий ва хокисор йигит экан у. Унинг учун ҳазрат Навоий ва “Хамса” дунёси ҳайратомуз бир кашфиёт бўлди. “Искандар” матнини ўзлаштиргани сари, такрор-батакрор “Шекспир... Шекспир...” дея ҳайқириб юборарди. Унга Алишер Навоий ҳақидаги билгандаримизни айтиб бердик, адабиёт музейи ва

буюк шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бошқа жойларни кўрсатдик. Хуллас, Баҳодир ака тавсиясига кўра, Франсуани “Искандар” спектаклида Алишер Навоий образида ўзбек актёрлари билан биргаликда ўйнашта ҳар жиҳатдан тайёрладик. Баҳодир ака ўз табиатига хос яна бир ҳайратомуз тажриба қилиб кўраётган эди. Франсуа Навоий на Арасту сиймосида француз тилида, Искандар – Элёр Носиров ва қолган ўзбек актёрлари ўзбек тилида спектаклни ўйнашлари керак эди. Очиғи, кўпчилигимиз бошида “ҳа энди француз – ўзбек маданий дўстлиги” қабилида бироз истехзо билан қараган эдик. Бироқ... бироқ ўзгаларни билмадим-у, аммо мен учун яна қашфиёт бўлди. Франсуа шундай баланд бир мақомда, образ ва спектакль моҳиятини ич-ичидан ҳис этиб ўйнадики, саҳнада на икки тил, на икки актёрлик ижро мактаблари мавжудлиги асло сезилмади. Ҳазрат руҳи ва юксак интеллектуал ижро хукмрон эди, холос. Мен анчадан бери аниқ бир спектакль мисолида, ролидан қатъи назар, актёр-етакчини кўрмаётган эдим. Том маънода бу Шукур Бурхонларга хос фазилат эди. Одатда, Баҳодир каби закий режиссёrlар ана шундай актёр-етакчи тополмаганда, соф режиссёrlик спектаклларига берилиб кетишади. Актёрлар унинг рамзий топилма ва мизансаҳналари фонида иккинчи даражага тушиб қоладилар. Ваҳоланки, бу актёрни ўстирмайди, аксинча,

уни иккиламчи вазиятда турғун қолдириб юборади. Бу гоҳида кучли актёрлари бўлмаган труппаларда чорасизликдан юз беради. Гоҳида эса кучли актёрлари бор бўлган жамоаларда ҳам режиссёрик спектаклларига берилиб кетиш ижодий жамоани таназзулга, ички низова бўлинишларга олиб келади. Шу маънода буюк режиссёр Георгий Товстоногов тажриба ва ибратлари бизнинг театр арбобларимиз учун мактаб бўлиши керак. Унинг ҳар бир спектаклида актёр-етакчи бўларди. У буни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўла асослаган эди. Ва у режиссёр сифатида ўзини, ўз фоя ва кўримларини, аввало, ўша актёр-етакчига сингдириб юборар эди. Натижада у узок йиллар раҳбарлик қилган ва вафотидан сўнг унинг номини олган Санкт-Петербург Катта драматик театрида жаҳоний мезонлардаги бир қатор буюк актёрлар етишиб чиқди...

Хуллас, Франсуа Шато “Искандар” спектаклида ўзини актёр-етакчи сифатида намоён эта олган эди. Умуман, фарангу ўзбекча спектакль ўзбек театри тарихида сезиларли бир из колдирди, десам муболага бўлмас.

Юқорироқда иқтибосни Г. Товстоноговдан олганим бежиз эмас. Йўқ, мен Баҳодир акани Товстоногов билан бир қаторга қўймоқчи эмасман. Бундай хулоса қилишга ҳали бироз бор. Аммо уларнинг театрга, актёрга муносабатлари, иш услубларида ўхшаш жиҳатлар, назаримда, кам эмас. Билишимча, Товстоногов том маънода



театр диктатори эди. Унинг ўз театрида раҳбарлик қилган 35 йиллик ҳаётининг ҳар бир куни, ҳар соати бутун жамоа учун азоб эди, десам муболага эмасдир. Бироқ бу азоб лаззатли азоб эди, ҳузурбахш азоб эди, янайам аникроғи, образли айтганда, маънавий банг эди. Назаримда, Товстоногов билан узоқ йил бирга ишлаган бирор актёр на руҳан ва на жисмонан соғ эмасдек туюлади. Ҳаммасида бир ғалатлик бор (Лебедев, Доронина, Юрский, Борисов...)

Қаттиқўллик, айниқса, репетициялар жараёнида актёрларнинг, саҳна ишчилари ва ҳоказо барчанинг саҳналаштирувчи режиссёрга том маънода тўлиқ тобе бўлиши Баҳодир ака учун қатъий амал қилинадиган дахлсиз принципдир. Репетиция энг муқаддас жараён, бу пайтда ҳеч ким унга бошқа бир юмуш билан яқинлаша олмайди. Буни у театр учун норма (меъёр-мезон) ҳисоблайди. Мен унинг репетиция пайтида айрим актёрларни ҳақоратлаб, ҳатто уриб юборганини кўрганман. Аммо бу ҳақиқий актёрлар, спектакль учун куйинаётган бирор хизматчи учун малол келганини ҳам билмайман. Ва шундан хулоса қиласманки, худди шундай бўлиши керак! Сўзларимни Баҳодир ака билан ишлаган кўнчилик тасдиқласа керак... Обид Юнусов, янгишмасам, “Паранжи сирлари”нинг репетицияси пайтида саҳна ортида туриб менга бўғилиб “шикоят” қилганди: “Бу “аб-

лаҳ” (яъни режиссёр Баходир Йўлдошев – Ш. Р.) ўлган-қолганингга қарамай эзверади, қийнайди, қонингни ичади... Лекин айтганидай қилдинг, тамом, ўзинг ҳам бошқачароқ бўлиб қоласан. Бутун берган азоби бирдан ҳузурга айланади, ўзингни буткул унутасан...” Қизиқ, худди шундай фикрни кейинчалик Жумадилла Раметовдан ҳам эшигдим. Фредрик Дюрренматнинг “Бир эшак ҳангомаси” асари саҳналаштирилаётгандан етакчи персонажлардан – эшакфурушни ўйнаётган Жумадилла финал саҳнасида шу қадар қийналдики, очиғи, раҳмим келиб кетди. Энг фожеий саҳна – актёрдан ниҳоятда кучли ички жараённи, изтиробни талаб қиласидиган, охир-оқибат фарёдга айланадиган бир ҳолат. Зоҳиран арзимасдек туюладиган бир деталь ё сўз, ҳолат учун Баҳодир aka қайта-қайта тақрорга мажбур этади. Жумадилланинг тақрорлайвериб тили осилиб қолади, ҳатто, назаримда, қаҳрамоннинг фарёду нолаларига қўшилиб ўз азобларидан ҳам ёзфириб йиғлаётгандек туюлиб кетади. Бироқ репетиция тугаб, тарқалаётган пайтимизда, Жумадиллага “қалай?” деб савол ташласам, “мазза” деган жавоб олдим. Яна бош бармоғини кўрсатиб, фикрини тасдиқлаб ҳам қўяди. Ҳозир гоҳи кўришиб қолсак, Жумадилла ўша ҳузурбахш “азоб”ларни жуда соғинганини айтиб гинахонлик қиласди.

Ха, дарҳақиқат, ўзим бир мақолада ёзғанимдек, актёрлик, умуман, санъаткорлик ўзини сарфлашдир. Мехнату машаққатлар оша рухий ҳаловат кашф этишдир... Худди сўғийлар каби... Бу ниҳоятда оддий китобий фалсафа эканини ҳис этиб турсанг-да, унинг кундалиқ ҳаёт, жараён эканини тасаввур этиш, инчунун, бошдан кечириш фоятда мушкул, мураккаб эканини ҳам яхши тасаввур этаман. Мезони битта – фидойи бўла олмоқ керак... Ҳамма гаи шунда!

Шуларни ёзяпман-у, ўзимга қайта-қайта савол бераман – бу гаплар бари Баҳодир Йўлдошев ҳақидами?! Агар шундай бўлса, демак, у фидойи, ўзини сарфлаётган одам – Шахс... Бироқ бу улуғлаш, идеаллаштириш эмас. Бу шунчаки фактларни қайд этиш. Идеаллаштириш эса Баҳодир Йўлдошевни ичдан кузатиб юрган одам учун тафаккурида гоҳи чакнаб, гоҳи сўниб турадиган тушунча. Унинг бутун моҳиятини раҳматлик Георгий Бrim жуда аниқ ифодалаган эди. Яъни, Brim Баҳодир портретини бир суратда икки хил – Раҳмоний ва Шайтоний ҳолатда тасвирлаган эди...

Бизнинг ниҳоятда дилбар, музайян даврамиз бор. Абдулаҳад ака (Абдуллаев), Наим ака (Каримов), Анвар ака (Мақсадов), Фарҳод ака (композитор Олимов), камина ва албатта, Баҳодир ака (Йўлдошев). Бу давра вақти-вақти билан Ўзбек Давлат драма театрида,

Б.Йўлдошев хузурида йиғилиб турди. Йиғилишларимиз ҳар турли мавзуни қамрайди. Бу ерда Абдулла Қаҳхору Шайхзода ҳам, Комил Яшинлардан тортиб, Жўрахон Султонову Шукур Бурхонгача, Комил Ёрматовдан Собир Мұхамедовгача, Ботир Зокировдан Тошхўжа Хўжаевгача санъатнинг турли соҳаларидағи улуғ инсонлар ҳақидаги хотиралардан, ҳангоманамо қизиқ-қизиқ кечмишлардан гурунг қилинади. Ва бу хотиралар замирида ҳамиша санъатга ошуфталик ва унинг соҳир дунёси, ақидаларига мутлақ садоқат ҳисси ётади. Хотиралардан бугунга кўчилади. Сабоқлар, ҳозирги санъатимиз учун ибрат олса, бўладиган жиҳатлар ҳақида хulosалар ўртага тушади. Ва охир-пировардида давра мумтоз қўшиқ ҳам унинг минг турфа мазмунларини нуктадонлик илиа талқин этиш билан поёнига етади. Сўнгги ойлардаги ана шу давралардан бирида Баҳодир aka кўнглини ёриб қолди – у театрдан кетмоқчи... Очиғи, бу гап даврадошлар учун кутилмаган гап бўлди. Ёши элликдан ўтиб, бор онгли умрини театрда ўтказган ва умуман борлиғи театр бўлган Баҳодирнинг театрдан кетиши ақл бовар қилмайдиган ҳодиса эди. Барчамиз ҳайрон... Аммо ҳеч ким бу гапни, назаримда, енгилтаклиқка йўймади. Аникроғи, мен уни ўзимча тушунгандай бўлдим... ва яна бир карра ҳайратга тушдим – журъат учун, қатъият ва ирода учун. Шоир айтмоқчи, шахс ҳамиша бўронларда ҳаловат излайди.

Театр дунёсида фуқаро бўлиб юрганлар билади – театрдан кетиш бу шунчаки бир ишдан бўшаб, бошқасига ўтиш дегани эмас. Театрдан кетиш бу изтироб, бу бутун бир маънавий жараён... Албатта, бу санъаткор учун шундай. Баҳодир ака “кетиш” ҳақидаги андишасини бизга айтганида, руҳониятида нечоғли талотўп бўлганини, қанча зиддиятли мушоҳадалардан кейин шу фикрга келганини тасаввур этдим. У ўз андишасини бизга илк бор айтиш учун қанча тайёргарлик қўрганидан ҳам буни сезиш мумкин эди...

Хуллас, Баҳодир Йўлдошев театрдан кетмоқчи...

\* \* \*

Азиз ўқувчим! “Изоҳнома”га шу ерда нуқта қўймоқчиман. Йўқ, ҳали яна бироз айтадиган гапларим бордек эди. Хусусан, китобни нега “Саҳна маънавияти” деб номлаганимга изоҳ бермоқчи эдим. Назаримда, закий китобхон учун бунга эҳтиёж йўқдек туюляпти. Чунки китоб билан танишгач, бу сўроққа жавоб топилар. Бироқ, “Изоҳнома”ни ҳам газетбоп бир йўсинда тугатаётганимдан ҳайрон бўлманг. Зеро, мен на Баҳодир Йўлдошев ҳақидаги, на театримиз синоатлари ва тарихи ҳақидаги изланишларим, ўйлариму изтиробларимга нуқта қўяётганим йўқ. Колаверса, бутун

борлиги, ҳаёти театр бўлган Баҳодир Йўлдошевнинг кейинги ижодий ва инсоний қисмати қандай бўларкан? Бу сўроққа ҳам жавобни бор тафсилотлари билан ўқувчига маълум қилиш мажбурияти каминанинг зиммасида эканини эътироф этаман. Аллоҳ умр ила сабру бардош берса, асосий китоб олдинда. Муҳими – ҳайрат ҳисси ҳеч биримизни тарк этмасин!





# I

## САХНА ҲАЙРАТЛАРИ ЁХУД БАҲОДИР

### ҚУМДАГИ РЕЖИССЁР

Ҳаммаслаклар тасодифан йиғилиб қолиб, хаёт, ижод ва май музайян бўлган одатдаги дилкаш бир даврада Баҳодир ака иттифоқо: “Мен қумдаги режиссёрман. Уйни босиб қолмасин деб, қумни курайвераман, курайвераман. Кум эса оқиб, сурилиб тушаверади, тушаверади”, – деб қолди. Даврада япон ёзувчиси Кобо Абэнинг “Қумдаги аёл” романини сахналаштирган туркман режиссёри Авлиёқули ўтиргани ва бир кун аввал японларнинг шу роман асосидаги фильм телевизорда намойиш этилиб, таассуротлар ўртоқлашилаётгани учунми, шуурида йилт этган бу фикр, назаримда, Баҳодир аканинг ўз умрини бир сония хотирдан ўтказиб, жуда жўяли топган қиёси эди. Йўқ, у қумдан уй қураётгани йўқ. У уйни қумдан асраяпти. Агар осмоний мажоздан ерга тушиб айтадиган бўлсак, жимжимадор, хавоий томошалар томошабинни

хаётдан, меҳнатдан чалғитиб, күнглини рүёлар билан бир неча дақиқа алдаб турса (яъни, кумдан уй қурса), Баҳодир ака ўз санъати – спектакллари билан инсон қалбидаги йиллар давомида маънавият уйининг бунёд бўлиши ва унинг чангу тўзонлардан омон сақланиши, қурум босиб, едирилмаслиги учун хизмат қилиб келади. Хизмат қилгандаям, садоқат билан, қаноат билан ҳалол хизмат қиляпти. Унинг ҳисоби бўйича энг сўнгги саҳналаштирган асари “Китмир” деб номланади. Спектакль ҳақида зиддиятли мулоҳазалар кўп. Аммо бу бошқа мавзу. Мазкур асарда Баҳодир ака бош фоя деб белгилаган ақида шундай: “Гўзаллик дунёни қутқаради”. Маънавияти сўқир кимсалар наздида “болаларча содда”, “гўл” қанча нафосат ва фасоҳат аҳли шу ақидага ишониб яшади, шу ақида билан нималардир яратди. Бироқ дунё ўзгардими? Ўзгарган бўлса, кимлар нималарга суюниб ўзгартириди? Бу саволларнинг жавоби ҳар кўнгилда ҳар хил. Нажот шеърда деб билган нозиктаъб қалб дунёниг ўзгаришини тимсол ва оҳанглар тадрижида кўради. Бахт пулда деб билган кас эса олтину зарнинг құдратига қараб, ўтмишию бугунини белгилайди, келажагини тасаввур этади.

Баҳодир ака ўзининг жуссаси кичкинагина, аммо юраги катта қаҳрамонига қўшилиб, буюк салафлари ишонган ўша ақидага суюнади. Суюниб, саҳнавий мўъжизалар яратади. Томошабинга ўша танқис ҳайрат туйғусини юқтиради.

Хайрат уйғотиб, гўзалликнинг қудратига ишонтиromoқчи бўлади.

Бундан чамаси тўрт йиллар муқаддам, Наврўз арафаларида, “Искандар” спектакли репетицияларида хайратнинг туғилишини, гўзалликнинг яралишини ўз кўзим билан кўрдим. Кўрдим-у, ҳамон кўз ўнгимда...

39-40 даражали иситма билан Баҳодир ака репетицияга келади. Асар мураккаб, спектакль янада мураккаброқ. Чунки муаллиф – ҳазрат Алишер Навоий. Навоий эса дунё, башар дегани. Ана шу дунёю башарни мўъжазгина маконга, яна бир ярим соатга сифдириб кўрингчи?! Баҳодир ака 39-40 даражажа иситма билан шунинг чорасини изларди. Ким билсин, улуғларга илҳом саодатли онларда келади, дейишади... Баҳодир ака шуурига, назаримда, мўъжиза нури иситма аралаш ёғилар эди. Шундандирки, у бу жараёнда сира беҳоллик сезмасди. Сахна билан томоша зали ўртасидаги етти-саккиз қарич баландликка ёш боладай сакраб, аникроғи, учиб чиқиб, худди шундай тушар эди. Қувват дорилари – кўк чойу сигарет... ва энг асосийси ҳазрат каломи...

Ана, Муножот Тешабоеванинг “Кўчабоғи”си чиқмаяпти. Керак самара, таъсир, қувват йўқ. Баҳодир ака такрор-такрор айтишга мажбур қиласди. Барибир чиқмайди. Шунда fazab билан учиб сахнага чиқади-ю, гўё ҳозир укувсиз актёрни уриб-тепкилаб хуморидан чиқадигандек таҳдид билан бостириб боради

ва ҳеч кутилмаганда бирданига мулойим тортиб, ижрочининг қўлларини кафтига олади. “Биласанми, Мунож...” дея босиқлик билан актисани четга тортиб, икки-уч дақиқа бир нималарни тушунтиради. Орадан яна бир-икки сония ўтиб, томоша залидан Баҳодирнинг “Начали...” деган серзарда овози янграйди. Ва... ва қулоқларингиз остида “Кўчабоғи” оҳангларидағи Навоий сўзлари шу қадар соҳир ва фожеий майин тараладики, оҳангдан ҳушингизни йўқотиб, илохий туйғулар оғушига фарқ бўласиз... Кўшиқ тингач, кимнингдир ўзини тутолмай ҳўнграб, ўкириб юборгани эшитилади, кимнингдир кўзларидан унсиз ёш филтиллагани сезилади. Ҳайрат туғилади, мўъжиза рўй беради. Бир неча дақиқа аввалги уқувсиз, таъсирсиз хониш самовий садолар билан алмашинади. Режиссёр актисага нималар деди, қандай тушунтириди, ҳануз ҳайронман. Репетициядан чиқа солиб берган саволимга Баҳодир ака оддийгина, мийифида кулиб “режиссура сири” деб қўя қолди. Яхшиямки, “режиссура сири” бор. Шу сир бизни мўъжизага гувоҳ қиласи, ҳайрат билан чулғаб, гўзалликка ошно этади. Баҳодир аканинг шу сўзлари хотиримга келганда, нима учун бизда режиссура санъати бу қадар тақчил, танқис деган саволга жавоб топгандай бўламан. Йиллар оша режиссёрлик нонини тuya қилиб юрганларнинг сонда бору саноқда йўқлиги, улар ўша “режиссура сири”ни билмаслигидадир. Бу “сир”ни билмоқ,

аввало, Худодан, сўнг тинимсиз мутолаа ва тажрибадан. Айримларида илму тажриба бор-у, “худододлик” (Баходирнинг отаси айтмоқчи) йўқ. Қолганида ҳар иккиси ҳам йўқ.

Бўлмаслиги-да табиий. Сабаб – назару нафас Аллоҳдан. Қай биримизни суюклироқ билади, хаками холис Халлоқнинг ўзи. Биз-да ҳайратларига шукrona, мўъжизаларига имон келтиргувчилармиз... Ё Арҳамар роҳимиийн!

1995 йил





## ШАХСЛАР ФОЖИАСИ

Ки, мунглар ўлди ададсиз  
мунинг навосинда.

*Алишер Навоий*

Жамиятимиз кишиларининг бугун истеъмолдаги тил бойлигига “ошкоралик”, “демократия” сўзлари чуқур сингиб кетди. Бу тушунчаларни тоҳо шунчаки сўз билиб, турли минбарлардан масъулиятсиз қўллаётганлар ҳам, тоҳо буқаламун мисол, қиёфасини шу сўзлар ҳисобига ниқоблаб олаётганлар ҳам кам эмас. Мана шундай “ваъзхонлар” туфайли ошкоралик, демократия каби ўнлаб йиллардан бери интиқ кутилган, алқанган, орзуланган тушунчаларнинг моҳиятидан айри ифода шакли тоҳо шу жараённи яқинлаштирган ҳалол кимсалар қулоғига ёқимсиз товушдек қуюлиб қолаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Бугунги кунда табиат экологияси деган тушунча қаторига жамият, маданият ва инсон экологияси каби тушунчалар ҳам бор жиддияти билан қўйилаётган пайтда, “муқаддас сўз ва атамалар экологияси” деган тушунчани ҳам қўллаш зарурати туғилмоқда. Аммо мазкур

мақоладан күзда тутилаётган мақсад сўз қадрияти муҳофазаси эмас, балки ўша умидбахш тушунчалар моҳиятини ҳақиқатан ҳам ўзида жо эта билган бир мумтоз санъат асари ҳақида мулоҳазаларни ўртоқлашиш истагидир. Бу асар ҳозирги Ўзбек Давлат драма театри саҳнасида намойиш этилган “Қора камар” спектаклидир.

Турли адабий мубоҳасаларда санъат ва адабиётда қайта қуриш бўлиши мумкин эмас, чунки шу жараённинг ўзини, аввало, санъат ва адабиёт тайёрлайди, деган мулоҳазалар юрибди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бироқ ўша ҳалол ва ҳаққоний адабиёт, санъат намуналари бутун ҳалққа тўла етиб бора олдими? Оммавий эътироф этилдими? Ёки бўлмаса, бадиий асарларда кўтарилиган муаммолар давлат, ҳуқуқ миқёсидаги кафолатларни ола билдими? Афсуски, йўқ! Демак, бадиият воситасида айтилган, ўртага ташланган ҳақиқатлар қофозу саҳналарда қолаверди. Ижтимоий, моддий муносабатларда амалий ижросини топа олмади. Демакки, улар қадрсизланди ва пировардида умумомма, жамият учун қумга тушган томчи сув каби сингиб, чўкиб кетди. Мана энди юксак бадииятда акс этган ҳаёт ҳақиқатлари давлат томонидан ҳам эътироф этилиб, чоралар изланаётган бир пайтда, моддий ва маънавий қадриятлар қонуний муҳофазасини топаётган паллада, санъат ва адабиётдан ҳақиқатлар яrim ёки чала эмас, тўла ҳам ошкора айтилмоғи, бутун ҳақиқатлар билан ҳалқ, омма онгини

қайта қуриш талаб әтилмоқда. “Қора камар” спектакли эса яқин ўтмишимиз ҳақидағи ҳақиқатни, рост гапни айтишга бир жиддий уриниш бўлгани билан эътиборга лойикдир.

Биз ўз ўтмишимиз ҳақида нималарни биламиз? Узоқ ўтмишимизни қўя турайлик, ҳеч бўлмаса, шўролар даври Ўзбекистон тарихини, маданиятини, халқ кечмишларини биламиزمий? Бунга фақат қўи нуқталар билангина жавоб беришимиз мумкин. Назаримда, биз то шу қунларгача, умуман, совет халқи тарихинигина ўрганиб келдик. Бир драматик асарнинг моҳиятнан ёвуз иерсонажи айтмоқчи “социализмда шахс бўлмайди... Социализмда оммавий омма ва “урре-е” садолари бўлади” деганидек, биз фақат доимий “фалабалар” билан йўғрилган омманинг оммавий тарихинигина ўқиб келдик. Аммо халқ, омма дегани аниқ инсонлар уюшмаси эканлигини, ҳеч бўлмаса, шу уюшмага мансуб бўлган ўзимиз ва ўз атрофимиздагилар мисолида англар эдик-ку! Наҳотки ўзимизгача бўлган халқнинг тарихи ҳам айни чоғда якка якка инсонлар, балки шахсларнинг тарихи – тақдири бўлганини тушунмаган бўлсак?! Ёки билиб-билмасликка олиб келдикми?! Умуман синфийлик, синфий позиция ёки синфий хушёрлик билан бу синф ёки табақа дўст, буниси эса душман, ижобий-салбий, душман синфга қарши қураш, ёппасига қирғин тушунчалари ортида равшан, ўз турмуш тарзи, ўз ҳаётий қарашлари, ақидалари, эътиқоди,

ҳиссиётлар олами, ожизлиги, хатолари ва ўз эзгу-интилишлари билан якка-якка инсонлар туришини англаш учун оддий фикрловчи одам бўлишнинг ўзи кифоя-ку! Афсус, халқ тарихи ортида, аввало, қалблар тарихи англанишини, тарихнинг ҳиссий миқёсларини то ҳануз чуқурроқ тушуна олмаяпмиз. “Қора камар” спектакли, назаримда, шу ниятдаги илк бадиий тажрибалардан бири.

Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар” асари гўёки Абдулла Набиев ҳақида. Аслида эса пьеса ҳам, спектакль ҳам Набиевларга қарши турган кучлар ҳақида. Аникроғи, уларнинг маслагу интилишлари ва таназзули ҳақида. Бу қучнинг тимсоли сифатида сахнада икки шахс – Хуррамбек ва Қорахўжа эшон образлари ҳаракат қиласи. Илмий-тарихий соҳада Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда босмачилик ҳаракати борасида саноқсиз асарлар ёзилган. Гўёки босмачилик фақатгина талон-торожга, ўз мол-мулки, мавқеини сақлаб қолишга интилган бир гуруҳ онгсиз бойваччалар ва мутаассиб руҳонийлар бошчилигидаги босқинчиликлардангина иборат бўлган шунчаки ҳаракат. Бундай қарашлар бадиий адабиётимизда ҳам ўзининг ўнлаб “бадиий” ижросини топди. Ҳақиқатда эса бир неча йиллаб бутун вилоят ва ўлкаларни ҳаракатга солиб турган ва оддий кора халқнинг муайян қисмини ўзига жалб эта олган оммавий ҳаракат фақат ўшандай майдада манфаатлар заминига қурилган бўлганида, бу қадар

салмоқ ва жиддият касб этмаган бўлар эди. Мазкур мулоҳазани шундай бир тарихий хужжат мисолида ҳам исботлаш мумкин.

Фарғонадаги миллий озодлик ҳаракатининг энг йирик вакили Мадаминбек ҳақида анчагина “адабиётлар” бор. Бироқ уларнинг барчасида тарихий ҳақиқат бузилган ёки чала ҳолда тақдим этилган. Бу фикр, аввало, Мадаминбекнинг беҳуда, қон тўкилмаслик учун большевиклар билан битим тузиб, таслим бўлиши тафсилотларига тегишли.

Халқнинг ўз тарихини билиши ўзлигини аংглашга уриниши, демакдир. Марксча-лекинча методологиянинг тарихийлик принципи эса ленинизмга мувофиқ келган ҳодисаларгагина тааллукли, холос. Қотиб қолган таълимотнинг “илмий даражали” гумашталари, унвонли маддоҳлари шу тахлит “босмачи”ни босмачидан олиб қонхўрга солди. Бу ҳаракатнинг ичида эса миллатнинг ватанпарвар фуқаросидан тортиб сара зиёлисигача бор эди. Шу ҳақиқатни “Қора камар” спектакли биринчилардан бўлиб бадиий йўсинда яққол намойиш эта олган.

Кўрбоши Хуррамбек эски шону шавкати, молу мулкини қайтариш учун курашаётган манфаатпараст, оддий кимса эмас. Унинг асосий мақсади Туркистонни озод кўриш. Қадим ота-боболари тупроғида адолат ва ҳурриятни тиклаш.

“...Ватан деганда мен илгари фақат Бойсунни, Сурхонни тушунар эдим. Миллат деганда...

йўқ, миллат бу – ўзбек ҳам эмас экан. У туркий халқларнинг бирлиги экан! ...Абдулла, сен шу юртга озодлик бера оласанми?”. Мана Хуррамбекнинг энг олий ҳаётий маслаги. У миллат озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳеч нарсадан, ҳатто ўз зурриёти, келажак умиду ишончи бўлган фарзандидан ҳам воз кечади. Матбуотда асар ҳақида эълон қилинган адабиётшунос X. Абдусаматов тақризида бу ҳол шундай изоҳланади: “Босқинчлилк сиёсатини амалга ошириш учун муккасидан кетган қонхўрда меҳр ва оталик муҳаббати нима қилсин?” Асар муаллифи ҳам, режиссёр ҳам X. Абдусаматов тушунчасидаги эски, жонсиз стереотипни мутлақо инкор этадилар ва билъакс ота ҳам бола учрашуви саҳнасида Хуррамбекнинг айнан ота сифатидаги инсоний изтиробларига алоҳида урғу берадилар. Унинг ўз фарзанди оғзидан ёт, бегона сўзлар чиқаётгандаги қалб изтироблари, оҳли нидолари ва ниҳоят кўзларида ялтираган надомат ёшлари оталик туйғуларининг фоя, бурч ҳисси билан шафқатсиз тўқнашувидан, замонанинг болага отани душман қилган норасоликларига нисбатан кўнгил фарёдларидан далолат эмасми?! Хуррамбек образи ижрочиси Фарҳод Аминов худди шу кўринишда режиссёр талқинининг энг таъсирchan ифодасини бера билади. Саҳна ортидан қўйилаётган мунгли “Гиря” оҳанглари эса Хуррамбекнинг айни вазиятда ички зиддиятлар пўртanasидаги ҳолатини янада бўрттириб кўрсатади. Натижада

Х. Абдусаматов айтмоқчи, “қонхўр, тошбағир, ёвуз” кимса эмас, балки бурч ва оталик ҳиссинг тўқнашувида бемисл ўртанаётган жонли инсон гавдаланади. Айни чоғда спектакль муаллифлари Хуррамбекнинг шунчаки босмачи эмас ёки бўлмаса, босмачилар раҳбарлари ҳақидаги мавжуд илмий-бадиий схемалардаги каби, тубан манфаатларни юксак foялар билан ниқобловчи пасткаш одам эмас, балки, аксинча, йирик бир ижтимоий ҳаракатга етакчилик қилишга қодир, событ эътиқодли шахс эканини мантиқан асословчи ечим топадилар. Хуррамбек ўз тушунчасидаги озодлик маслагидан чекинмайди. Унинг қуидаги сўзларига диққат қиласайлик: “Э-э, дунёйи қўтири! Менга бола ширин эмасми? Мен хам отаман, ахир... Аммо боладан хам азиз нарсалар ҳам бор-ку оламда? Ватан, миллат... эътиқод!” Мана асосий гап қаерда?! (Хуррамбекнинг шу вазиятдаги ҳақ ёки ноҳақлиги эса томошибинга, унинг онги, савиясига ҳавола!) У худди шу ниятда икки қадам наридаги Афон юртига ҳам қочмай, энг сўнгти илинжда совук, рутубатли бир форда макон курган. Хуррамбек тўдаси шўролар томонидан парчаланиб ташланаётган занжирнинг энг сўнгти ҳалқаси эди. У шуни била туриб, охирги умидларидан ҳам воз кечмайди. Курашни давом эттиради, ўз ақидаларига телбаларча ишонади. Хуррамбек, таъкидланганидек, оддий манфаатпараст кимса эмас. У foя кишиси, фидойи шахс. Афсуски, у пуч, рўёга айланиб

бораётган фоя курашчиси. Хуррамбек фожиаси, айтиш мумкинки, бу инқилоб арафаларидаги нисбатан илғор қараашлар билан тарих майдонига чиққан бутун бир табақанинг фожиаси эди. Улар таназзулининг бош сабаби халқ билан бирга әмаслигида, халқнинг айни чоғдаги реал кундалик турмуш талабларини, рўзбор, тирикчилик ташвишларини тушуниб етмагани, балки тушунса ҳам, кескин инкор этганида эди. Бу ҳол Хуррамбекнинг асар сўнгидаги дехқонлар билан мулоқотида яққол акс этади. Хуррамбек ҳар қанча миллат, миллий озодлик ҳақида жон куйдириб гапирмасин, дехқонлар энг оддий хоҳиш-истаклари билан унинг таназзул сабабларини исбот этиб қўядилар. Яъни, узокдаги қуйруқдан яқиндаги ўика яхши, деганларидек, “биз экин экишимиз, бола-чақаларимизни боқишимиз керак. Шўро бизларга ер-сув берди, фукаропарварлик қилди”, дейдилар, Хуррамбек ҳали ижтимоий-сиёсий онгсиз, мақсадлари фақат кундалик тирикчилигини тебратишдангина иборат бўлган дехқонларга миллият фояларидан ҳар қанча нутқ ирод этмасин, буларнинг бари беҳуда гай. Унинг ўзи ҳам буни билади. Шунинг учун ҳам чукур надомат билан: “Мени куйдирган нарса халқимизнинг авомлиги, холос”, – дейди. Авомнинг кўзини очиш ўрнига уни пода деб билади. Ундан нафратланади, Хуррамбек ва у кабилар шу боис ҳам халқнинг қўллаб-кувватлашига умидвор бўлолмас эдилар.

Улар шуни тушунмаганлари ёки тушунишни истамаганлари учун ҳам бора-бора курашнинг шафқатсиз усулларига мурожаат этдилар.

Хуррамбек оддий ижрочи эмас, аксинча, фикрловчи шахс. Асарда кўрсатилган Хуррамбек ҳаракатининг Абдулла Набиев исми билан боғланган бир-икки кунлик лавҳасидан англашилишича, Хуррамбек Набиевни жоҳилларча ўлдириш, ундан ўч олишни назарда тутмайди. У, аввало, ўзининг ечимини топа олмаётган азобли ўйларини мушоҳада, мубоҳаса этишга арзигулик ҳамсуҳбатга муҳтож. Нега шундай шароит юзага келди? Нега юртда имон-эътиқод сўниб бораяпти? Нега эндинга истибдоддан кутулгандек кўринган халқ, ёшу яланг яна жиловини бегонага тутқазмоқчи? Мана, унинг мантиқан англашиладиган оғриқ саволлари. Хуррамбек қароргоҳида у билан фикрий мулоқотга қодир шахс бор. Аммо у, яъни босмачилик ҳаракатининг фоявий-маънавий раҳнамоси Қорахўжа эшон кўрбоши билан аллақачонлар ихтилофга киришган. Унинг нафакат хатти-ҳаракатларини, айни чоғда шу тобдаги фикру ўйларини қабул қила олмайди, ҳатто инкор этади. Эшон Хуррамнинг курашда ёлғизланиб қолгани, қон тўкиш билан маслакка интилаётгани учун келиша олмайди. Бошқа тўдалар билан бирлашишга ундейди. Курашнинг адолатли усулларига бошламоқчи бўлади. Хуррамнинг ҳатто ўз ақидалари йўлида норасида болаларни ўлимга буюргани

учун чидай олмай, ўз жонига қасд қиласи ва бу билан ҳар қандай олий мақсадлар учун курашadolатсиз, шафқатсиз усууллар билан амалга оширилар экан, у пировард натижада таназзулга юз тутмоғи муқаррар, деган ўз ақидасини яна бир карра таъкидлайди. Эшон образи инқилоб йиллари Туркистондаги пок нијатли, ҳалол, бироқ мустамлака зулмига қарши ислом ғояларинигина ягона чора деб ўйлаган муайян миллий зиёлиларнинг типик образидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов бу образни айни шундай ижро этади. Бироқ мазкур образнинг ички, руҳий динамикаси актёр томонидан етарлича ифодасини топа олмаган. Эшон образи замирида актёрнинг ижодий ишлаши учун яна талайгина имкониятлар ва майдон бор. Обид Юнусов эса бу имкониятларни мукаммал юзага чиқариш учун зарур саҳна тажрибаси ва нозик ижодий таъбга ҳам эга.

Демак, Хуррамбек эшон қиёфасида ўз саволларига жавоб бера олувчи шахсни топа олмас эди. Чунки улар курашнинг турли усуулларини, ҳатто тамомила бир-бирига зид усуулларни ёқласалар ҳам, моҳиятда ягона маслак учун интилар эдилар. Бинобарин, Хуррамбекнинг саволлари Ҳазратни ҳам қийнаётган ўйлар эди. Қолаверса, эшон биринчи парда сўнгида ҳалок бўлгач, Хуррамнинг фикр алмашинуви учун қароргоҳида унга бас келарли бирор тушунчали одам қолмаган эди ҳам.

Бир чеккаси шулар боис, у Абдуллани олиб келишларини орзиқиб кутади.

Юқорида айтиб ўтилган тақризда спектаклнинг энг фожеий, кульминацион бу саҳнаси ҳақида ҳам бир ёқлама фикр-талқин ҳукм суради. Ҳ. Абдусаматов фикрича, мафкуравий душманлар юзма-юз келар экан, Хуррамбекда Абдулла билан учрашувдан қўрқув ҳисси устун туради. Ҳолбуки, бундай эмас! Хуррамбек Абдулла ҳақида кўп гаплар эшитади. Ҳатто ўз фарзанди ҳам унинг таъсирида эканини кўргач, Набиев қиёфасида росмана мафкуравий мухолифини тасаввур этади. Шу боис, қўрққанидан эмас, балки рақибиға муносиб алфозда кўринмоқ учун бир дам тараффудланиб қолади.

Спектаклдаги сўнгги икки ғоявий ғаним учрашуви саҳнаси ғоят оригинал ва жуда характерли. Хуррамбекнинг орзиқиб кутгани барбод бўлади: Абдуллани тили кесилган, пажмурда, аянч бир аҳволда олиб келадилар. Хуррамбек ўз қарашларининг инқирози сабабларини англаши учун балки кўмак бериши мумкин бўлган сўнгги воситадан ҳам маҳрум бўлади. Спектакль муаллифлари масаланинг бундай бадиий ечимини маҳсус қўллайдилар. Чунки Абдулла айтиши мумкин бўлган гаплар бутун спектакль давомида у ё бу тарзда турли персонажлар тилидан айтилиб туради. Айниқса, Хуррамнинг бозорчилар билан диалогида бу яққол анг-

лашилади. Шунинг учун ҳам Абдуллани гапиртириш, демак, мохияттан такрорларга йўл қўйиш бўлар эди.

Қолаверса, Хуррамбекнинг ўйу саволлари (муайян маънода жавоблари билан), аввало ва асосан томошабинга йўналтирилган ўйлар. Уни фаол мушоҳадага, мавжуд масалалар, тарихий воқелик, вазият мохиятини англашга ундовчи саволлар ва мулоҳазалар. Ахир, наҳотки Хуррамбек бутун борлигини, жону жаҳонини ўз миллати озодлиги йўлида тикса-ю, бироқ бутун ниятлари саробга айланса?! Наҳотки Абдулла ва Абдулла кабилар озодликни ҳар бир мустамлака миллатнинг ўзи ўз кучи, жислиги, бирдамлиги ва фидойи кураши билан қўлга киритиши мумкинлигини тушунмасалар?! Наҳотки бир халқни бошқа бир халқ озод этиши мумкин, деб ўйласалар?! Йўқ! “Босиб олган мамлакатингнинг бошини силамайсан! Силасанг, алдаш учун силайсан...” Мана, Хуррамбекнинг мантиқан тасаввур этилган ўй-кечмишлари, юрагини фижимлаган саволлари ва жавоблари.

У Абдулла билан шулар ҳақида сухбатлашмоқчи, баҳслашмоқчи, балки ёшлиги боис узоқни кўра билмаётгандир, дея кўзини очмоқчи, ўз йўлига бошламоқчи эди. Аммо, абдуллалар, аллақачон, Хуррамбекнинг тили билан айтганда, “йўргаклаб” қўйилганини, “ссиалистик инқи-лоб” ғоялари қон-қонига сингдирилиб, шўролар ҳокимияти учун эътиқодли курашчига айланиб

кетганини билмас, билса-да тушуна олмас эди. Чунки Хуррамбекнинг тарбия, яшаш ва фикрлаш тарзи мутлақо бошқача эди. У, таъкидлаганимиздек, халқни бир тўда онгсиз одамларнинг уюшмаси – пода деб билгани учун ҳам курашларда ғалабага умид кила олмас эди. Чунки инқилобий йиллар кураши, аввало, халқ онги учун ҳам кураш эди. У шуни англамагани учун таназзулга, ҳам foявий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний инқирозга юз тутди. Хаётий идеаллари рӯёга айланди.

Спектаклда режиссёр муаллифнинг Хуррамбек образидан кўзда тутган foявий ниятини имкон қадар сақлашга интилган ва образ юкини пьесадагига мутаносиб ифода этишга асосан эришган ҳам. Аммо режиссёр пьесадаги Хуррамбек foялари ва характеристерининг қирраларини мукаммалроқ намоён этишга хизмат қилувчи баъзи монологларни қисқартирган ёки таҳрир этганки, бу ҳақда қўйироқда батафсил тўхталаҳмиз. Лекин шу ўринда дикқатни тортган масала Хуррамбек образининг ижроси масаласи. Фарҳод Аминовнинг мазкур роли театр саҳнасидаги узок йиллик танаффусдан кейинги биринчи жиддий, катта иши. Шу боис актёр масъулиятни ҳис этиб ролга ёндашган. У ўз образининг табиатини теранроқ англашга имкон берадиган ижро топа билган, яъни Шахс салмоғини сақлаш эвазига фожеавийликни кучайтирган. Босиқлик, мушоҳадакорлик, ирода, қатъият, айни пайтда фурур, бўйинсунмаслик,

ўз мавқеини ҳис этиш каби хислатлар – мазкур образнинг табиий хусусиятлари. Ф.Аминов мана шу хислатларни тўғри илғаган. Ўринли, маъноли пауза, партнёрни ҳис этиш, айтаётган сўзларини чукур тушуниш, сахна ҳаракатининг мутаносиблиги актёр маҳоратига янада ижобий баҳони таъмин этади. Бироқ актёр тилда сакталикка йўл қўяди. Сурхон шеваси хусусиятлари ёки ҳеч бўлмаса адабий тил нормаларидан баъзан беихтиёр Тошкент лаҳжасига тортиб кетади. Бундан ташқари, Ф. Аминов, айниқса, спектаклнинг кейинги намойишларида образ салмофига путур етказиши мумкин бўлган нуқсонларга, хусусан, муаллиф матнига ножоиз эркин ёндошишга, меъридан ортиқ истеҳзога йўл қўйган. Назаримда, истеъодли, жиддий актёрларга ҳар бир спектакль премьера эканини, Шукур Бурхон мактаби сабоқларини эслатиб туришга эҳтиёж бўлмаса керак.

Таъбир жоиз бўлса, мен “Қора камар”ни, аввало, миллатимизнинг яқин кечмиши ва қисмати ҳақидаги безовта, беҳаловат ўйлар билан йўғрилган, шу билан бирга шахслар фожиаси ҳақидаги асар ҳам деб атаган бўлар эдим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам юқорида айrim қирраларинигина кўриб ўтганимиз Хуррамбек ёки Ҳазрат образларигина фожиавий шахслар эмас. Асарда кўплик қўшимчасини ишлатишга арзигулик фожиавий образлар яна бор. Булар Остон ва Бобобеков образлари.

Остон ҳамиятли, диёнатли ва ўз она юртига садоқатли инсон образи. У ҳам маслак йўлида босмачиларга қўшилган. Аммо бора бора ҳаракат ичидаги бўлиниш содир бўлгани ва айрим қўрбошиларда худбин мақсадлар, хунрезлик зўрайгани, натижада, ўз интилишларига путур ета бошлагани туфайли, шундай бир аччиқ ҳақиқатни, яъни ҳар қандай олий тилак йўлидаги курашлар қон тўкиш эвазига бўлар экан, пировардида, у таназзулга юз тутмоғи муқаррар эканини англаб етади. Шу маънода унинг пьесадаги мазкур сўзлари фоят эътиборли: “Мен номард эмасман. Мен фақат... қон тўкмайман деб онт ичиб эдим. Лекин бу тупроқда ё қон тўкишинг керак, ё қонинг тўкилиши керак экан! Шунинг учун Аффонга ўтиб эдим. Аммо юрт тортди мени. У Тангриқашқа (отнинг лақаби – Ш.Р.) бўлиб кишинади менга!”

Афсуски, Остон образини тушуниш учун жуда характерли бўлган бу монолог спектаклда тўла сақланмаган. Ҳолбуки, Остон унда ўз фожиасини ифодаламоқда эди. Унинг фожиаси, аввало, ўз юти, она тупроғининг пок ниятли ҳалол ва холис фидойиси бўлгани холда, шу заминга не-не кулфатлар келтиргани, мағлубиятини англагач эса, бу юртга бегона бўлиб қолганини хис қилганида эди. Ватангадолик эса бундай инсонлар учун рухий ҳалокат демак эди. Шу боис у от баҳона Ватанига қайтади. Аммо бу ерда ўз ҳаётининг табиий интиҳоси – жисмонан

ўлим топади. Остон образи асар муаллифи билан режиссёр талқинида муштараклик касб этган. Бирок айрим нотўғри таҳрирлар, қисқартишлар ҳисобига спектакль бироз ютқазган. Шу образ ижрочиси М.Тешабоев эса ўз қаҳрамони моҳиятини англагани ҳолда, уни томошибинга бор салмоғи билан етказишга эришолмаган. Буни, аввало, актёр маҳорати, роль устидаги муттасил ижодий ишнинг сезилмаётгани билан изохлаш мумкин. Ҳолбуки, шу нисбатан кичик ролни пьеса муаллифи ва режиссёри кўзлаганидек, фожиавий характер даражасига кўтариш мумкин эди.

Спектаклдаги Бобобеков образи хусусида ҳам режиссёр баъзи ноаниқликларга йўл қўйганини айтмоқ зарур. Спектаклда Бобобеков образининг ўзига хос фожиавий характер эканига штрихлар бўлгани ҳолда, тугалланган инсоний тақдир сифатида талқин этилмаган. Пьесада эса Бобобеков ўз ўтмиши, бугуни ва табиий интиҳоси билан маромига етказилган том маънодаги фожиавий шахс. У ўтмишда Анвар пошонинг (пьесада спектаклдан фарқли ўлароқ Анвар пошо ҳақида Хуррамбек тилидан қисман объектив маълумот берилади. Аммо бутун Туркистон босмачилари, жумладан, Хуррамбек учун ҳам ғоявий-маънавий раҳбар бўлиб ҳисобланган Анвар пошо шахси бизнинг 70 йиллик илмий ҳам бадиий адабиётимизда ҳар қанча қора лойга булғаланмасин, то ҳануз сирлилигича қолмоқда) тадбиркор офицер-

ларидан бўлган. Кейинчалик эса Хуррамбек талаби билан шўролар ичига кириб, улар ишончини қозонган. Шеробод музофотининг милиция нозири даражасига кўтарилиган. Бироқ шўролар ичига юриб, у ҳам “курашнинг бой берилганини” англаб етади. Бекни кучларни бирлаштиришга, катта муҳораба учун жиддий тайёргарлик кўришга ундайди. Аммо уринишлари бехудалигини тушунади. У ҳам ўз-ўзини ўлдиради. Мана шу хатти-ҳаракатнинг ўзи ҳам Бобобековнинг шунчаки жўн, пасткаш одам эмаслигини билдиради. Табиатан пасткаш кишилар кўрқоқ бўлади. Улар ҳар қандай шароитга мослашиш эвини қиласди. Улар бутун умр икки дил, икки тил билан яشاши мумкин, аммо ҳеч қачон ўз-ўзидан нафратланиб, ўз жонига суиқасд қилишга қодир эмаслар. Факат ҳамиятли шахсларгина ишонч-эътиқоди рўёга айланса, ўз-ўзига қасд эта олиши мумкин. Бобобеков шундай шахс. Агар у пасткаш, сотқин одам бўлса, ўзининг шўролар ичидағи мавқеидан фойдаланиб, уддасини топиб bemalol тинчгина яшайвериши мумкин эди.

Зеро, бундай одамлар, ҳозир матбуотимизда ошкор этилаётган фактлардан маълум бўлишича, ўша машъум инқилоб йиллари, ҳатто кейинги даврларда ҳам мавжуд эди. Баланд мартабаларга, ҳатто давлат раҳбарлик лавозимларигача кўтарила олган эдилар. Бобобеков, қайд этилганидек, шундай ҳаёт кечиравериши мумкин эди. Спектаклда режиссёр Бобобеков

тақдирини очиқ қолдириб, мантиқан шундай фикрга йўналтирувчи талқин ҳавола қилган ҳам. Бироқ, Ш. Холмирзаев пьесада Бобобековни мураккаб шахс сифатида гавдалантиради. Уни виждан азобига дучор этиб, тубанлашишдан асраб қолади. Уни қиёфасиз қолдирмайди. Айни чоғда унинг тубанлашишдан кўра ўлимни афзал кўргани билан ўқувчининг ачиниш ва ҳамдардлигига сазовор этади. Ўқувчи Бобобековнинг инсон бўлиб ўла билганини кўриб, демакки, унинг инсон бўлиб яшаганига ишонади. Гарчи режиссёр Бобобеков образи талқинида драматург талқинидан узоклашган бўлса-да, образдаги инсоний мураккабликдан тамомила воз кечмайди. Бобобеков ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов худди ўша инсоний мураккабликни кўрсатишга интилади, томошабинни бир ёқлама қатъий хулоса чиқаришдан асраб қолиб, мулоҳаза юритишга ундайди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Тўйчи Орипов ўз роли ижросида спектаклдан спектаклга ўтиш жараённида ижодий ўсишга, характернинг янги қирраларини очишга интилади.

Мазкур мақолани биз ҳам анъанага кўра, унча ёқимли бўлмаса-да, ҳар қалай, “Қора камар” спектакли ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан яқунлашни истар эдик.

Пьеса билан спектакль матни ўртасида жузъий деб бўлмайдиган фарқлар мавжуд. Бу фарқлар, албатта, пьесадаги мазмунни

режиссёр талқинида бузган ёки ўзгартирган дейиш учун жиддий асос бермайди. Мазмун, ғоявий йўналиш сақланган, бироқ айrim вазиятлар, баъзи персонажларнинг муайян кўринишлардаги хатти-ҳаракати, монолог ва диалоглар спектаклда мантиқий асосини, табиий йўналишини бирмунча йўқотган. Хусусан, Хуррамбек бир неча ўринда Куръонни ўртага қўйиб, онт ичишни талаб этади-ю, бироқ спектаклнинг бирор кўринишида муқаддас китобнинг ўзи кўринмайди. Бу билан халқда мавжуд урф бутун қоидасига кўра ижро қилинмайди. Ҳолбуки, пьесада Ҳазрат зарур ўринда қўйнидан духоба жилдли китобни чиқариб, тавоф учун тутиб туради. Ёки пьесада ўз фожиаси билан намоён бўладиган чўлоқ ошпаз образи спектаклда шунчаки хизматкор сифатида эътиборсиз ўтади. Ёки яна Бобобеков образи, аввал қайд этганимиздек, спектаклда анчагина таҳрирга учраган. Шу образга бориб боғланадиган баъзи принципиал жиҳатлар, масалан, болаларнинг босмачилар қароргоҳида дабдурустдан эмас, балки Бобобеков туфайли йўлни билиб, “Яша, шўро!”ни айтиб келишлари қисқаргани учун, болалар саҳнаси табиий ҳаётий эмас, балки шартли усулда талқин этилган. Булардан ташқари айrim персонажлар, айниқса, Хуррамбекнинг изтиробли фикрлари, мурожаатлари, башпоратлари жиддий таҳрир қилинган.

Албатта, режиссёр цензура талабарини ҳам, шубҳасиз, инобатга олган, чунки бусиз бўлиши мумкин эмас. Ҳар қалай, демократия, ошкоралик ҳамма нарса мумкин, дегани эмас. Бироқ, назаримизда, режиссёрнинг ўз ички цензори ҳам журъат жиловини тортган бўлса ажаб эмас. Аммо яна бир карра әслатиш жоизки, ҳозир 30- ёки 50- ва ҳатто 70-йиллар ҳам эмас. Матбуотда эълон қилинаётган асарлар, мақолалар, айтилаётган мулоҳазалар биздан – умумжамиятдан, шу жумладан, адабиёт ва санъатдан ҳам, таъкидланганидек, катта ҳақиқатларни чала ёки ярим эмас, балки бор овоз билан бутунисича, тўла ҳам рўйирост айтишни талаб этмоқда.

Шу ўринда фоят журъатли, нуктадон адабимиз Абдулла Қодирий ва унинг “Ўткан кунлар” романи билан боғлиқ қайгули бир факт ёдга келади. А.Қодирийни ўтмишни идеаллаштириш ва синфий позициянинг йўқлигидан ташқари, “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек ҳожининг Туркистон чегараларига келиб қолган руслар таҳди迪 ҳақидаги сўзлари учун бемаъни айблар ясад, жувонмарг қилган эдилар. Аммо А.Қодирий қайси даврларни қаламга оляпти, ўша сўзларни ким айтаяпти, нима учун айтаяпти, тарихий ва реалистик принциплар, тарихий ва бадиий ҳаққоният, характер мантиқи сақланаяптими, мутаносибми деган асосий

масала хусусида мушоҳада юритилмаган ва балки, бундан маҳсус кўз юмилган эди. “Қора камар”да ҳам шунга яқин ҳолатлар мавжуд. Бугун ижтимоий тараққиётнинг тўла демократик сарҳадларига етишган бир пайтимиизда, 30-йиллар оқоваси 80-йиллар журъят ҳавосидан нафас олаётганларга кўланка солиши жоиз эмас.

Сўзимизнинг аввалида биз гапни демократия тушунчасининг муқаддаслигидан бошлаган эдик. Бу тушунчага муносиб бўларлик муқаммал бадиият намуналари бугунги ўзбек адабиётида ҳам, ўзбек санъатида ҳам ҳозирча орзу. Не тонгки, “Қора камар” асари шу орзу амалиётининг дебочаси, бурилиш нуқтаси бўлса! Гарчанд, пьеса муаллифи Шукур Холмирзаев, саҳналаштирувчи режиссёри Баходир Йўлдошев ҳамда театр жамоасининг спектакль талқини ва ижроси ҳақида муваффақиятларини таъкидлаб, айrim эътиrozлар ҳам билдирган бўлсак-да, чўнг бир ҳақиқатни тан олмоғимиз шарт. Шубҳасиз, пьеса ўзбек драматургиясида, спектакль эса ўзбек театр санъатида янги саҳифа очди. Биз санъат асари орқали ўз тарихимизга янгича, объектив, ҳаққоний ёндошмоғимиз лозимлигини ҳис эта бошладик. Халқ тарихи ортида инсонлар-шахслар тарихи ётганини, демакки, инсонпарварлик ақидаларимиз ҳаққи ўтмиш аждодимизнинг ҳар бир вакили қисматига, тақдирига алоҳида эътибор

қилмоғимиз зарурлигини англай бошладик. Бу йүлда ҳали күп баланд-пастилкыларга, жаҳолат түсиқларига дуч келмоғимиз тайин. “Кора камар” каби асарлар миллий хотирамизни тиклаш ва барқарор этиш йүлларида худбин ғаразларни барбод этувчи журъат ва яна журъат бахш этмоғи аниқ.

1988 йил





## ФАРАНГ “МАЛИКА”СИ ВА ЎЗБЕК БАҲОДИРИ

Ҳаммаси “Малика”дан бошланди. Бўлмаса фаранг театри ва драматургияси Ўзбекистонга кириб келгани қачонлар эди. Мольердан Жан Коктогача, Гюго ва Дюмадан Пуарэгача бўлган фаранг мумтоз драматургияси ўзбек саҳнасида қўйилган, қўйилмоқда. Фаранг миллий жиҳатлари, руҳияти бизга бир қадар яқин экан. Айтмоқчиманки, фаранглар миллий психологиясидаги сентименталликка мойиллик, қизиқконлик, эҳтирос кабилар бизнинг руҳий дунёмизга ғоят муштарак экан. Балки шундандир, Баҳодир Йўлдошев театрига ўтгандан бери француз драматургиясига қайта-қайта мурожаат этиб келади. Мольернинг “Лақма қуёв”, Жорж Сарааннинг “Маъмура кампир”, Пуарэнинг “Алдагани хотин яхши” комедиялари бунинг далили. Аммо булар ҳам биз сўз юритаётган ҳодисада бирламчи ўрин тутмайди. Гап шундаки, Фарангистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасига маданият ишлари бўйича маслаҳатчи бўлиб келган Шанталь Контень хоним ўзбек театрига, хусусан, театри

спектаклларига алоҳида эътибор кўрсатди. Контең хоним Ўзбекистоннинг бугунги саҳна санъатида, уни жонлироқ, мунтазам изла-нишдаги театр жамоаси деб топди, шекилли, 1993 йилнинг бошларида француз драматурги Фотима Галернинг “Малика” номли асарини рус тилига таржима қилдириб, Б.Йўлдошевга тавсия этди.

Пьеса муаллифи асли жазоирлик муслима. Аммо тақдир тақозоси билан файридин фарангига турмушга чиқиб, эрининг юртида муқим яшаб қолган. Асарда акс этган воқеа муаллифнинг қисман ўз бошидан кечган саргузаштлар... Отаси вафотидан уч ой ўтгач, Фарангистондан Жазоирга келган Малика вайронага айланган, ташландик қишлоғи ва унинг аламзада, юпун одамлари билан рӯбарӯ бўлади. Йигирма йил аввал тарк этгани қадрдон гўша аллақачонлар унинг учун бегонага айланган эди. Файридин билан турмуш қургани учун отаси ягона меросхўрини оқ қилган, умри сўнгига қадар қизининг номини ҳам эшишишни истамаган. Унинг бор бойлиги қишлоқда тақводорлиги билан ном чиқарган бир тўда мутаассиб аёллар измида, уларнинг кори аъмоли, тириклиги шу билан. Улар наздида гўё Малика мерос учун юртига қайтгандек. Аслида у ота-онаси қабрини зиёрат қилиб, қадрдонларини кўришни, янаем аниқроғи, ўз болалиги билан учрашиб видолашишни, умрининг ошиб ўтган бир довони учун ўзича сарҳисобини истаб келган эди. Денгиз

ортидаги юртда у бехатар, ҳаловатда бола-чақа орттириб, ёзувчилик билан машғул, туриштурмушидан мамнун ҳаёт кечиради. Фақат ўша болалик хотиралари уни қадрдон гўшага даъват қилган. Малика болалиги билан учрашади ҳам. Афсуски, болалиги бойқушлар макон қурган хонадон, умр ниҳояси илинжида яшаётган кўхна энага ва йўқчилик, жаҳолат, маҳаллий урфодат, тартиблар тирик мурдаларга айлантириб қўйган забун дугоналари мисолида намоён бўлади. У бир нафас бўлса-да, дугоналари билан беташвиш, беғубор кунларига қайтади. Кизлик шўхликлари, хаёлига қўйилиб келаётган эсдаликлар билан шўх-шаън кулиб, рақсга тушади, дугоналарини таъна-маломатлардан, турмуш аччиқларидан чалғитмоққа уринади. Бироқ у теварак-атрофида қандайдир таҳлика таҳдид солаётганини ҳам ҳис этар, қари энага ва хизматкорнинг қайтиб кетишга даъватларидан фашлик туряди...

Иккинчи пардада энди Маликанинг ўтмиши ва тақдири учунгина, ҳасад ва ҳавас қилиб ўтирган дугоналари кора ҳижоблардаги аёлларга айланиб уни суд қиладилар. Аслида суд эмас, аллақачонлар тайёрлаб қўйилган ўлим ҳукмини ижро этиш учун восита излайдилар. Маҳкуманинг гайридинга турмушга чиқиб, исломий тартибларни поймол этгани – “жинояти” учун сўроққа тутадилар. Пъесадаги инсон эрки ҳамма нарсадан улуғроқ деган фоя спектаклда исломий ақидалар ва уларни

жохилона тушуниш, мусулмонлик моҳиятини англамай, мутаассибликка берилиш оқибатлари ҳақидаги ғоят ҳаётий, долзарб, жиддий мубоҳасага айланади.

Режиссёр асар ғоясини талқин этишда муаллифдан теранрок фикр юритади, ундан бирмунча фарқли ўлароқ айрим исломий қарашларни инкор этмайди, балки мусулмон ақидалари моҳият эътибори билан энг демократик, энг илфор ақидалар эканини, исломни олимона тушуниш зарурлигини, ҳидоят туфайли инсон ҳурликка эришиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлади. Инсон қандай жамиятда яшамасин, ўзлигини англашдан, ҳақни ва инсонийликни маслак деб танишдан, эзгуликка хизмат қилишдан маҳрум эмас экан, у имонлидир деган ғоя спектаклнинг бош ғоясига айланади. Шу фикрни тасдик этгандек Малика (спектакль талқинича) сўнгги дақиқаларида имон келтириб ўлимни қабул қиласди. Ундан гўё мусулмон тартибларига амал қилишни талаб этаётганлар эса қора қузғунга айланиб, марҳума бошида чарх урадилар. Бу билан режиссёр уларнинг мақсадини янайм ойдинлаштиради, яъни емиш – мерос илинжида муқаддас ақидаларни никоб қилганларини рамзий тарзда ифодалайди.

Хуллас, ана шунақа бир фожейй, гўзал саҳна асари Ўзбек Давлат драма театрида юзага келди. Спектакль премьерасига муаллиф Фотима Галернинг ўзи ҳам ташриф буюрди. Ва ҳатто шарқона табиатга хос хаяжонини

яшира олмай, эътироф этдики, пьеса Америка, Англия ва Франциянинг саккизта театрида сахналаштирилиб, Тошкентдагичалик муваффакиятли талқин топмаган экан. Шу эътироф ва энг муҳими бадиий юксак спектакль баҳона бўлиб, бироз ўтгач, спектакль постановкачи режиссёри Б.Йўлдошев, асосий роллар ижорчилари А.Рафиқов, С.Раметова ва Н.Абдувохидовалар Фарангистонга таклиф этилдилар. Айтмоқчи, Ўзбек Давлат драма театрида спектаклнинг ТошДУ хорижий тиллар филологияси факультетининг француз тили бўлими талабалари томонидан ихчамлаштирилган фарангча муқобили ҳам қўшимча сахналаштирилди. Ана шу талабалардан ҳам уч нафари актёрлар билан бирга Францияга бориб, у ердаги ғоят эътиборли ҳисобланган Авенъён фестивалида бўлиб қайтдилар. Б.Йўлдошев хориж сафарига бироз кейинроқ бошқа ижодий мақсадларни ҳам қўзлаб таклиф этилди. Марсель шахридаги йирик театрлардан бири Б.Йўлдошевни режиссёр сифатида ижодий ҳамкорликка даъват этди. Б.Йўлдошев энди Фарангистонда ҳам спектакллар сахналаштиради. Энг қизиги шундаки, Баҳодир ака у ерда фақат ўзбек драматургияси намуналарини фаранг актёрлар билан фаранг томошибинлари учун қўйишни режалаштирган. Демакки, келгусида Европанинг энг тараққий этган маданият марказларидан бирида ўзбек асарлари ўйналади. Тан олиб айтмоқ жоизки,

санъат айрим иқтисодчи ё сиёсатдонлардан кўра икки халқ, икки маданиятни яқинлаштириш учун анчагина кўпроқ иш қилиши мумкин.

Бунинг илк тасдиғини кўриш учун кўп вақт керак бўлмади. 1993 йил октябрь ойининг сўнгги ўн кунлигига фаранг фоторассоми Клод Гафнернинг фаранг театрига бағишлиланган фото кўргазмаси тантана ва самимият билан Ўзбек Давлат драма театрида намойиш қилинди. Яна бир қувончли янгилик, фаранг актёрларидан бир гурухи келиб, Тошкентда Ўзбек Давлат драма театрининг “Искандар” спектаклида ўзбек актёрлари билан бирга иштирок этмоқчилар. Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг табаррук каломи фаранг тилида саҳнадан ҳам жаранглади. Шоядки, дунё бизни таниётгани рост бўлсин. Зеро, улуғ бобомиз айтганлариdek:

Жудолиққа шод ўлма асҳобдин,  
Жафо етса айрилма аҳбобдин.

1993 йил





## ЁҚИМТОЙ ҚИТМИРЛИК

(ёхуд Ўзбек Давлат драма театрининг  
“Қитмир” спектакли ва яна баъзи  
масалалар ҳақида андак қитмир  
мулоҳазалар)

Одамларнинг тинчини бузиб, ҳаловатини ўғирлайдиган кимсаларни ҳалқимиз одатда “қитмир” дейди. Қитмирдан ҳамма қочади. Чунки “ёмоннинг бир қилифи ортиқ”. Аммо “қитмир”нинг яхшиси, ёқимтойи ҳам бўлади. Тўғри, у ҳам одамларнинг тинчи, ҳаловатини бузади, турли важ-баҳоналар топиб, қутқу солади, асабларни ўйнатади. Бироқ кимнинг, қандай одамларнинг – гап ана шунда. Ёқимтой қитмирнинг классик намунасини ўзбек адабиётида бир вақтлар буюк Faфур Fuлом яратган эди. Ҳали-ҳануз уни завқланиб ўқиймиз, унга қиёсан бир хил тоифа болаларни суюб “шум бола” деймиз. Бир кун қуюлиб қолар деб қўямиз, енгилгина кулиб. Хуллас, бола шумлигини жиддий қабул қилмаймиз. Аммо вақти келиб, қуюлмаган “шум бола”дан қитмир йигит ё киши етишиб чиқса-чи?! Уни бегараз қабул

қила оламизми?! Ё, аксинча, пайини қирқишига, самимий шўхликларини, шубҳага бориб, ҳасад-адоватга йўйишга берилиб кетмаймизми?! Ҳа, шуниси ҳақиқатга яқинроқ. Боланинг шумлиги бир бошқа-ю, унинг улғайгандан кейинги қитмирликлари бир бошқа. Шумтакани юмшоқ жойларига шапатилаб-шапатилаб ташлайсан-у, хумордан чиқасан. Қитмирнинг каттасини-чи? Ё жисман, ё рухан эзид, маҳв этиб. Чамаси йигирма йилча аввал, ёзувчи Эркин Аъзам “Отойининг туғилган йили” қиссасида. “Шум бола”нинг 70-йиллардаги замонавий ўспирин қиёфасини чизган эди. Ҳануз кўз олдимда... Талабалик йилларимиз. Курсдошимиз Мақсуда (Абдуваҳобова) “Гулистон” журналининг янги сонини кўтариб келиб, бутун аудиторияга: “Шаҳоб (қитмирроқ курсдошимиз), сизни ёзишибди”, – дея эълон қилган эди. Кўпчилигимиз қўлма-қўл, ютоқиб “Отойининг туғилган йили”ни ўқиган ва журналнинг қисса давоми босиладиган кейинги сонларини орзиқиб кутган эдик. Агар қиссага шу тахлит қизиқиши ҳамма талабалар, балки ҳамма ёшлар орасида бор эди десам, муболағадай бўлар. Балки... бўлмас. Ҳар қалай, бир неча ой аудитория ва ётоқхоналарда шу асар муҳокамаси бўлганига ўзим шохид. Сабаби – қиссанинг ўйноқи, енгил услуби, сохта ва сунъий соцреализм андозаларига мослантирилган юзлаб намуналардан тамом йироқлиги эди... ва энг асосийси, унда адабиётимизда 30–40-йиллар ичи кўрилмаган жуда

оригинал, айни чоғда ҳаётда хар бир жамоа, аудиторияда учратиш мумкин бўлган қаҳрамон бор эди.

Орадан йиллар ўтиб, гёё айнан шу қаҳрамон (гарчи пьеса буткул бошқа муаллифлар – Баходир Йўлдошев ва Ботир Муҳаммадхўжаев ҳамкорликлари маҳсули бўлса ҳам) энди Ўзбек Давлат драма театр саҳнасида жонланди. Энди у болалик шумликлари, ўспирин даври саркашликларидан ўсиб, бола-чақалик, оила-рўзгори бор, маънан безовта қитмир кишига айланган. Энди у ичади. Чунки шумлик ва саркашликларини тушунмаган одамлар орасида юриб, кўнгил яраларига бошқа бир малҳам топа олгани йўқ. Дунёни поклай олмай, аламу изтиробларини ичига юта-юта жуссаси ҳам кичрайиб кетган. На ишда, на уйда ороми йўқ. Йўқ, хотиндан толеи бор. Умрида бир баҳти чопган бўлса, у ҳам шу аёлга уйланганидан. Хотини рўзгорнинг бутун оғирини зиммасига ортмоғлаган. Бола-чақа, кир-чир, ош-овқатдан то қўни-қўшнининг темир-терсагини созлашгача унинг қўлидан келади. Эрини ҳурматлайди, ардоқлайди. Шу маънода орзулангандек хотин. Аммо уйда оромини ўғирлаган – қўшнилари, аниқроғи, бебилиска тўқлиқдан шишиб, ҳаммага хўжайнлик, қозилик қилиб ўтирадиган сатанг қўшни аёл. Шу аёлни кўрса, кўнгли бузилади, асаби қўзиб, қитмирлиги тутади. Беижозат барчанинг турмушига бурнини суқадиган бу аёл унинг орзулари, кўнгил тилакларини сўн-

дирмоқчи, у интиқ эътиқод қилган ақидани ўлдирмоқчи бўлади. Бу ақида эса гўзаллик салтанатига эътиқоддан туғилган, яъни “гўзаллик дунёни қутқаради” деган ақида. Даҳо адиб Ф.Достоевский шу шаклда ифода этган бу ақида не-не нафосат ахлларининг ҳаёт мазмунига айланмади, не-не хайратомуз асарларни майдонга келтирмади?! “Қитмир” ҳам эсини таниганидан бери шу эътиқод билан яшайди. Шуни тушунмаганларни баҳтсиз деб билади. Ҳаёт, яшаш моҳияти гўзалликда, инсонлик аъмоли эса маънан пок ва ҳалол турмуш кечиришда деб ўйлайди. Унинг учун фийбатчи қўшни хотин ва чаламулла тентак “шоирча”дан руҳан бой, маънан бутун бечораҳол рус қўшниси Лёлик минг карра афзал. Чунки инсон шаънини мол-мулк, сохта мулозаматлар эмас, балки меҳр-оқибат, самимий туйгулар белгилайди...

Балки бу мулоҳазалар Ўзбек Давлат драма театрининг “Қитмир” ҳазил спектакли ҳақида жуда ҳаволаниб айтилган гаплардек туюлиши мумкин. Чунки кулги, ҳазил томошалар ҳақида, одатда, ўша усулда фикр айтиш жоизроқdir. Аммо ғоя салмоғи ифода тарзидан бироз чекиниб муносабат билдиришга мажбур этмоқда. Қолаверса, спектаклни фақат ҳазил сифатида қабул қилиш ҳам мумкин эмас. Жанрини аниқлайдиган бўлсак, уни, аввало, фожей ҳазил ёки трагикомедия дейиш ўринлироқ. Спектакль сўнгига бориб томошабин қаҳрамоннинг дардли

ўтиинчи, илтижоларини эшитади, аламли кўз ёшларини кўради. Ҳамдардлик туяди. Демак, бу шунчаки ҳазил эмас. Энди бевосита ижро ва айрим бошқа масалалар ҳақида бир неча оғиз сўз.

“Қитмир” спектакли, менимча, Ўзбек Давлат драма театри саҳнасида қўйилган спектакллар қаторида унча катта салмоққа эга эмас. Назаримда, бу баҳони анча-мунча томошабинлар ҳам қувватласалар керак. Бироқ бу ижодий жамоанинг муваффақиятсизлиги хам эмас. Аксинча республикамиз театрлари ичидаги энг изланаётган, ҳамиша эксперимент ва янги фоялар билан нафас оладпган театрнинг изланиш йўлларидағи яна бир тажрибаси, сайд-ҳаракати. Хўш, изланиш, тажриба нимада? Бу изланиш жамоа ҳаёти ва театр санъатимиз дунёсида из қолдирдими? Менимча, ҳеч шубҳасиз, из қолдирди. Биринчидан, 90-йиллар ўзбек санъатидаги икки жиддий ҳодиса – спектакль режиссёри, улкан санъаткор Баҳодир Йўлдошев ва иккинчидан, Ботир Муҳаммадхўжаевнинг имкон қадар драматургик изланишлари билан. Учинчидан, Азиза Бегматова, Равшан Солихов, Элёр Носиров, Матёкуб Матчонов, Мадина Усмонова каби санъаткорларнинг ижодий таржимаи ҳоли янги мазмун ва изланишлар билан бойигани нуқтаи назаридан.

Баҳодир Йўлдошев ҳақида сўз айтиш уни яқинроқдан билган ва ижодини кузатиб юрган одам учун ниҳоятда оғир. Сабаби –

уни ҳеч бир андоза билан ўлчаб бўлмайди. Андозаларга сифмагани учун ҳаётда қанча жафолар кўрди. У дўст деб билгани душман, ишонгандлари бебурд кишилар бўлиб чиқди. Шунданми, у анча эҳтиёткор бўлиб қолган. Актёрларини болаларидек кўради, театрни уйи, катта рўзгори деб билади. Аммо худди ота-оналардек болаларининг катта бўлиб қолаётгани, ташвишлари ҳам шунга яраша бўлиб бораётгани билан ҳеч чиқиша олмайди. “Оғиз берган ризқини ҳам беради, қаноат лозим”, деган шарқона азалий фалсафа билан яшайди. Тўғри, унинг ўзи гоҳи ўз талаблари даражасида бўлолмайди. Катта-катта ижодий режалари хаёлда, оғиздагина қолиб кетаверади... Баъзида беихтиёр ожизлик қилиб қўяди. Гарчи ожизлик “Баҳодир” деган ҳодиса ёнига яқинлаштириб бўлмайдиган тушунча эса-да! Балки яна ким билсин, ҳукмга ҳакам Холиқнинг ўзи. Ўзимизда ожиз бўлганимиз холда, ўзганинг заифидан сўз очмоқ нодонликдан эмасмикан?! Масъул бўлмасак-да, нодонлик бўлса-да, айтаяпмиз. Эътиқодимизда тебраниш, шубҳага ўрин бўлмаслигини истаймиз... Балки яна ким билсин, Баҳодир акадаги озгина ўзгариш ўтаётган йилларнинг яраси, яғмосидир. Ахир умр элликнинг эшигини очиб турибди... Барибир, ҳар нима деганимизда ҳам, бу ўткинчи гаплар. Ўзимизнинг оний заифлигимиз. Баҳодирнинг баҳодирлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Аксинча, аслида биз ҳамиша билган Баҳодир Йўлдошев, бу

йил таваллудининг ярим асрига етган катта санъаткор, дунёда санъат ва театрдан бошқа бир дунё, бошқа бир муқаддасроқ машфулот бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Театр билан яшайди, санъат билан куни чиқиб, туни ботади. Шунинг учун ҳам у “дунёни гўзаллик қуткаради” деса ишонасиз, ишонтиради. Чунки гўзаллик унинг ҳаёти, ҳар сония, ҳар дақиқаси гўзалликка йўналтирилган. Гўзалликдан баҳра олиб, қувватланиб, ўзида гўзаллик яратади.

“Китмир”ни қўлга олганида (айтмоқчи, асар илк вариантида бошқача аталарди), кўнглига ўзга фаразларда кўлка ташлаганди. Ўзи ҳам ёқимли қитмирлик қилмоқчи бўлди. “Номи халқ ўртасида танилган театрдан ташқаридағи санъаткорларни жалб этиб, оддий томошабинни ҳам театрга яна қайтара оламанми?” – деган ўй хәёлининг бир четида ёлқинланган эди. Бироқ ҳар галгидек бирор мақсад-андиша билан бошланган иш охирига бориб, ҳамиша Баҳодир Йўлдошевнинг.... йўқ, аникрофи, санъатнинг азалий ва абадий масалалари билан алмашиниб ёки узвийлашиб кетади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Асар қаҳрамони ортда қолиб, жуссаси кичик, аммо юраги дунё қадар катта ШАҲС ҳақида қайфули томоша дунёга келди. Аслида санъатнинг табиати шу эмасми? Чумолининг безовта умрида дунё ва башариятнинг тинимсиз ҳаёт фалсафасини тасаввур этадиган мўъжиза – санъат эмасми? Баҳодир Йўлдошев учун бош мезон, балки

ягона мезон шу. Кулгидан ҳам, қайғудан ҳам мақсад – санъат. У ана шуни ўз актёрларига сингдириб келади. Натижада “Қитмир” спектаклига фақат ва фақат ичакузди кулги истаб келган томошабин ҳеч кутилмаганда театрдан маъюс бўлиб чиқиб кетди. Нафақат маъюс бўлиб, айни чоғда маънавиятига бир оз қайтиб, ўйга толиб чиқиб кетди.

Йўқ, спектакль на фикрий ва на композицион яхлитликка, мукаммалликка даъво қилолмайди. Барча ижролар, саҳналар бир текис эмас. Диалоглар пишиқ, пухта, мизансаҳналар бош foяга изчил йўналтирилган дейиш ҳам қийин. Аммо фикр теранлиги ва айрим олинган ижро маданияти бефарқ қолдирмайди. Биринчи пардада қизиқчининг турфа ҳангомалари билан қўшилишиб, енгил кайфият уйғотадиган кўринишлар иккинчи пардада хотинининг арслонга айланиб қолиши ҳақидаги шартли уйдирма асносида ҳаракатлар қилаётгани қаҳрамоннинг изтиробли ўйлари, ўтинчлари акс этадиган кўринишлар билан алмашинади. Жуда муваффақиятли бир шаклий топилма билан кичкинагина қаҳрамон масхарабоз (арлекино) кийимида бошқа бир қиёфага киради. Шекспирона файласуф-масхарабозлар (шутлар) каби теран руҳий ҳолатдаги, изтиробли кичкина одам – Шахс намоён бўлади. У энди томошабин кўз ўнгига атрофидаги маънан сўқир кимсалардан салобатлироқ, тоза ва покроқ бўлиб кўринади. Унинг самимий ўтинчи, кўз

Оила









Устозлар, дўстлар







Спектакллар, майдон томошалари














































ёшлари ҳамдардликка, хайрихоҳликка чақиради. Кишиларни ўз атрофидагиларга тикилиброқ қарашга, тушунишга ва муруватлироқ бўлишга даъват этади. Шу тариқа кулги истагида келган томошибин юзига маъюслик юқади, кўзларига ўйчанлик, мушоҳада чўқади. Бошқаларни билмадим-у, спектакль менга шуниси билан қадрлироқ туюлди.

Бизда сўнгги етти-саккиз йил ичи ўз услуби, ўз репертуари ва ўз ижодий тамойилларига эга бир неча қизиқчилар, муқаллидлар етишди. Тўғри, бири-бирини туссиз такрорлаётган кўчирмачи ва қитиқлашга мойил кулгишурушлар ҳам бениҳоя урчиб кетди. Лекин юмор ва сатирани санъат даражасига кўтариб, унга ижтимоий салмоқ ва таъсир баҳш этаётган қизиқчиларимиз борки, уларга холис, жиддий муносабат зарур. Бу санъаткорлар, ўзлари ташаббус кўрсатиб, турли ижодий гурухлар ёки театр студиялари ташкил этмоқда. Уларнинг ижодий, маъмурий-ташкилий муаммолари ҳал бўлмай, кўпинча иарокандаликка юз тутиб кетмоқдалар. Ваҳоланки, ҳар қандай саъи-харакат атрофида мувофиқ маънавий мухит, фаол хайрихоҳлик яратилмоғи лозим. Танилган ёзувчи мағрурлиги тутиб, ёзганини ижрочига яккаш таклиф этолмайди. Санъаткор ҳам номи кўриниб қолган бўлса, бўйин эгишга тоқати йўқ. Бирининг фуруридан фуррак ғовласа, иккинчисининг димогидан қурт ёғилади. Ўртада шаклланмаган тақдир, омадсиз толе

қурбон. Нега ҳамкорлик қилиши мумкин ва зарур ижодкорлар бир-бирлари билан самимий топишолмайдилар?! Яна биз хоксорликни, тупроқдай хоксорликни умр аъмоли деб белгилаган аждодлар авлодимиз...

Яна бир мулоҳаза: шуҳратли қизиқчиларимиз янги дастурлар тайёрлаб, уни минглаб томошабинни бир кечада қабул қила оладиган муҳташам санъат саройларида 3-4 кун намойиш этиб, қисқа муддатда асосий аудиториясини жалб этиб бўлади. Янги дастур намойишининг эртасигаёқ кўча-кўйда унинг магнит ва видео ленталари сотила бошлайди. Ва оқибат натижада томошалар қадр-қиммати тушиб боради. Вахоланки, ноёб нарса ҳамиша танқис бўлади. Бинобарин, юксак санъат ардоқли, қадрли, камёб бўлмоғи лозим. Шундай экан, нега энди янги дастурларни уч юз-тўрт юз кишилик театр сахналарида, қоидаси билан ҳафта оша ойлаб кўрсатиш мумкин эмас. Албатта, бунинг учун маҳсус ва мунтазам миниатюра ё сатира театри керак.

Спектакль мавзусидан чалғиган бўлсак-да, асосий мавзудан четга чиқмадик. Спектакль муносабати билан унинг асосан икки ижодкори баҳона, баъзи азобли ўйларни ҳам айтдик. Қолган фоявий, бадиий, ташкилий унсурлар ҳамда ижролар, хусусан, Азиза Бегматова, Матёкуб Матчонов, Равшан Солиҳовлар сахнага олиб чиқсан образлар ҳақида ҳам, Ботир Муҳаммадхўжаевнинг ижодкор ва иж-

рочи сифатидаги ҳиссаси ҳақида ҳам айрим фикрлар билдириш мүмкин эди. Уларда ҳам илиқ муносабатга, ҳам эътиrozга асос берадиган нуқталар кам эмас. Айниқса, А.Бегматованинг кейинги олти-етти йил давомида театрда кечаётган умри ҳар жихатдан самарали бўлиб бораётгани қувонарли ҳол. Умуман, Ўзбек Давлат драма театрида бир гурӯҳ ўрта ёшдаги фоят талантли актрисалар бор. Улар ўзбек театри тарихида муносиб ўринга эга санъаткорлар. Бироқ уларнинг сахна умри фақат тарихга айланиб бораётгани фоят ачинарли. Турмуш ўз икир-чикирлари билан барчамизни гирдобга тортаётгани – ҳақиқат. Аммо навқирон ёшлигини ана шу театрга баҳшида этган бу актрисаларни йиллар оша “сўнаётган юлдузлар” қиёфасида тасаввур этиш нақадар ёқимсиз туйфу. Шу маънода улар жумласидаги А.Бегматованинг сўнгги йиллар ижодий тақдири бир оз умид уйғотади.

Хуллас, “Қитмир” спектакли баҳонасида баъзи қитмир хаёлларга берилдик. Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Меъёрдаги қитмирлик ёқимтой бўларку-я, меъёрдан ўтса, қинфириликка кетиб қолиши ҳеч гап эмас. Худо арасин!

1995 йил



## II

### ҚИСМАТ

#### БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВНИНГ ИНСОНИЙ ВА ИЖОДИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

##### 1

Кирра бурун, жингалак соч йигирма саккиз ёшли навқирон йигит Ўзбекистоннинг бош театри – Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрига бош режиссёр этиб тайинланганида, кўпчилик бу ҳодисани анчайин истехゾ билан қабул қилган эди. Маннон Уйфур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Лутфулла Нарзуллаев, Тошхўжа Хўжаевлар ишлаган театрга, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Сайфиқори Олимов, Аминжон Турдиев, Қудрат Хўжаев, Зайнаб Садриева, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятова, Холида Хўжаева, Александр Гинзбурглар ишлаб турган театрга ёш йигитчанинг бош режиссёр бўлиб етакчилик қилиши бу ўзбек театр оламида

фавқулодда бир ҳодиса эди. Аммо бу ҳол ҳар қанча истехзо ва ҳайрат уйғотмасин, барибир рүй берган, реал ҳолат эди. Тақдирнинг тасодифини кўрингки, ўша жингалак соч навқирон йигитчанинг номи бежиз Баҳодир деб қўйилмаган экан...

Иккинчи жаҳон уруши адогига етмасдан бир неча ой бурун яраланиб, демобилизация килинган Турсунбой Йўлдошев Каттақўргонга – оиласи бағрига қайтди. Самарқандда туғилиб, тақдир тақозоси билан Бухорога бориб қолган йигит, шу ерда Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаевлар асос солган мусиқа билим юртида ўқиб, яхши созанда бўлиб етишди, театрда ишлади. 20–30-йиллари республикамизда театрчилик ҳаракатлари ниҳоятда қизғин паллада эди. Ҳатто чекка туман ва маҳаллаларда ҳаваскорлик труппалари тузилар, ҳавасманд ёш йигит-қизларнинг иштиёқи баланд, истеъдодлилари халқ театрларидан профессионал труппаларга қўшилиб кетар эдилар. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилиб-ўсиб, ҳаваскорлик труппасида кичик роллар ўйнаб юрган Ширинхон Мелиева билан Турсунбой Йўлдошевни тақдир театрда топиштириди. Улар турмуш қургач, биргалашиб Абдулҳамид Мажидий асос солган Каттақўргон давлат театрида ишлай бошлидилар. Ширинхон катта-кичик ролларда ўйнаб, Турсунбой эса асосан труппа созандаларига етакчилик қилиб, аста-секин ўз рўзгорларини йўлга қўйдилар.

Худойим ўғил фарзанд бериб, ёш оиласинг баҳтини зиёда қилган бир паллада машъум уруш бошланди. Турсунбой ҳам “кўпга келган тўй экан” деб, эл қатори урушга отланди. Урушга кузатар чоғи Ширинхон кўлидаги гўдак касалга чалиниб, кўп ўтмай нобуд бўлди. Эрини урушга, фарзандини қаро ерга берган Ширинхон аламу андуҳини иш билан енгди. Уруш даври талабига кўра бадиий ташвиқот бригадасига айлантирилган труппа билан ҳар ерда спектакллар ўйнаб, концертлар қўйиб, атроф-аҳолига руҳий мадад бериб юрди. Фулом Зафарийнинг “Халима”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, “Холисхон”, Зиннат Фатхуллиннинг “Фунчалар”, И.Акромовнинг “Адолат” каби пьесалари асосидаги спектаклларда бош ролларни ўйнади, айримларига режиссёрлик ҳам қилди. Урушнинг энг оғир йиллари ортда қолиб, умид ва ишонч ниш ура бошлаган бир паллада Турсунбой урушдан қайтиб, оила бутун бўлди. Вақти-соати етиб, кузнинг дастлабки кунларида худойим бу оиласага яна ўғил фарзанд ато этди. Бу кун 1945 йилнинг 7 сентябри эди. Урушнинг бор даҳшатларини ўз танасида ҳис қилиб, қон кечиб келган Турсунбой ака ғалаба нашидасидан фурурланиб, ўғлига Баҳодир дея исм қўйди...

Бирор адабиёт ёки санъат арбобининг, илм-фан фидойисининг юбилей санаси нишонланса, туғилганига фалон йил, ижоди ёки бошқа фаолиятига, йигирма йил олиб ташланиб, фалон

йил тўлиши муносабати билан дея таъкидлаш одат тусига кирган. Чунки чиндан ҳам росмана ижодий ёки илмий фаолият инсоннинг балогат палласи – йигирма ёшлардан бошланади. Баҳодир Йўлдошевга эса бундай таъриф бериб бўлмайди. У бу ёруғ дунёда неча йил яшаётган бўлса, шунча йилдан бери ҳаёти театр билан боғлиқ. Туғилибдики, театрда кўкрак эмиб, театрда тетапоя бўлиб, театрда улгайди. Айниқса, уч ёшга тўлар-тўлмас онаси Ширин Мелиева Каттақўрғон театрига директор этиб тайинлангач, ётари ҳам, турари ҳам театр бўлиб қолди. Секин-аста ёш болалар образи бўлган спектаклларда роллар ижро эта бошлади.

Ўша кезлар Зиннат Фатхуллиннинг “Фунчалар” пьесаси Ўзбекистоннинг кўпгина театрларида қўйилган эди. Шу асарда персонажлардан бири гўдагини кутига ташлаб кетади. Каттақўрғон театридаги спектаклда ана шу “ташландик бола” Баҳодир Йўлдошев эди. У саҳнага ўз оёғи билан юриб эмас, кўлда кўтариб олиб чиқилар ва шу алпозда олиб кирилар эди... Такдир деганлари шу бўлса керак-да!..

Унинг илк “режиссёрги” ҳам болалигида бошланган. Беш-олти ёшларида жажжи томошалар қўйганини Баҳодир аканинг ўзи ҳикоя қилган эди. Аммо унинг росмана режиссура ва актёрлик билан шуғулланиши еттинчи синфларда ўқиб юрган пайтларига тўғри келади. Каттақўрғон шахар Маданият уйи қошида

очилган театр студиясида илк бор Михаил Лермонтовнинг “Маскарад” шеърий драмасини кўяди. Ўспирин кўнгилни илк муҳаббат туйғулари қитиқлаган паллада бундай фожеий ишқий-романтик асарларга мурожаат этилиши табиий хол. Аммо аксарият қалб туғёнларига малҳам каби суртадиган бундай асарларни ўқиб ўта таъсирланса, ёдлаб кифояланади. Баҳодир эса уни хаваскорлик саҳнасига олиб чиқиб, тирик қиёфаларда жонлантириш орқали ўз ҳиссиётлар пўртанасини намойиш этади. Санъаткорга ижодий етукроқ даврида бадиий ифода имкониятларини аён этиши мумкин бўлган бу тажриба гарчи ўспирин ва хаваскор паллада бўлса ҳам Баҳодирга журъат бағишлиған экан, демак айтиш мумкини, уни келгусида ўзбек театрининг, ўзбек театр режиссёрлигининг дарғасига айлантирган бу куч-қудрат ҳаками олий пешонасига ибтидодаёқ битган қисмат эди. Ўша кезлар Баҳодирнинг “Маскарад”дан кейин фикр-хаёлини банд этган ва сўнгра бутун умри давоми тарқ этмаган асар бу Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедияси бўлди. Орадан чамаси қирқ йилча вақт ўтиб, ўспирин Баҳодир соқоллари мош-гуручга айланниб, Баҳодир Йўлдошев бўлган бир паллада “Ҳамлет”га садоқатини шундай ифода этган эди: “Ҳамлет – менинг дўстим. Мен ҳар тонг унинг ёди билан уйғонаман, у билан бирга дунёдан нафратланаман ва у билан бирга шу дунёни севаман” (“Дунё наҳот шунчалар

гўзал”. Н.Каримов билан сухбат. “Тафаккур” журнали. 1995 й. №1 62-б.)

Ширин Мелиева табиатан ҳукмфармо, иродали, мустақил аёл эди. Каттақўрғонда ўз ўрни, ўз сўзи бор раҳбарлардан эди. Театрда эса қаҳри билан ҳам, меҳри билан ҳам бутун жамоани бир сафда ушлаган “генерал” эди. Табиийки, “генерал”нинг ягона ўғли шаҳарчанинг ҳам ягонаси – саркаш, бўйсунмас шаҳзодасидек юрарди. Ақлининг тийраклиги, билим-дунёқарашининг теранлиги, мушоҳадаларининг, хаёлотининг қамрови ўспирин йигитчага фуур багишлаган эди. Чамаси у Шекспирнинг даниялик шаҳзодаси билан шу жиҳатдан ҳам яқин, ҳам руҳан муштарак ҳолатда эди. Бироқ... бироқ ҳар қанча абадий дўст бўлмасин, бу дўстликни ҳадик ҳам бир умр тарк этмай келди. Баҳодир умр бўйи “Ҳамлет”ни саҳналаштиришни орзу қилди, аммо унга ҳар сафар яқинлашганида, ўша ҳадик, хавотир уни тутиб қолаверди. У ўз шаҳзодалигидан йироқлашгани сари, Дания шаҳзодаси ҳам ундан узоқлашиб борди. Бора-бора юрак тафти сўниб, армонга айланди. Армон эса таскин истайди. Таскин “ақлли” баҳоналардан туғилади... Бу ҳақда кейинрок яна сўз айтилар.

Алалхусус, Ҳамлет ва шу каби мураккаб образлар дунёсида ўзлигини излаётган йигитча мактабни тугатиб, Тошкентга келади. Театр ва рассомлик институтига ўқишига

киради. Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаевнинг қўлида беш йил сабоқ олади. Ўқиш билан бирга режиссёр ёрдамчиси бўлиб Ҳамза номидаги академик театр (ҳозирги Миллий академик театр)да ҳам ишлай бошлайди. Устозларининг “Олтин девор” (Т.Хўжаев), “Бухоро” (А.Гинзбург) спектаклларига асистентлик қиласди. 1970 йили ўқишни битиргач, тўлақонли режиссёр бўлиб фаолият юритади. Шу кезлар академик театрнинг бош режиссёри бўлган А.О.Гинзбург “Сенинг завқу файратга тўлиқ ёшлигинг менинг тажрибаларим билан қўшилса, театр учун фойдали нимадир чиқар” деган ишонч билан унга мустақил ишлаш учун имконият яратади. Бундай бафри кенглиқдан қувватланиб ёш режиссёр кетма-кет “Тарих тилга кирди” (Н.Сафаров, Зиё Сайд), “Нил минораси” (А.Дюма), “Ой тутилган тунда” (М.Карим), “Абу Райхон Беруний” (Уйғун), “Оқшомдан тушгача” (В.Розов) каби спектаклларни саҳналаштириб, аста-секин эътироф топа бошлайди. Унинг дадиллиги, билим ва салоҳиятини сезиб, 1974 йили не-не улуғлар ишлаган ва ишлаб турган отахон театрга бош режиссёр этиб тайинлайдилар. Бу катта ишонч эди. Аммо ҳалол меҳнат ва юксак истеъдод намойиши билан қозонилган ишонч эди. Унинг дастлабки самараси Фридрих Шиллернинг “Кароқчилар” пьесаси асосидаги спектакль бўлди.

Бу спектакль хақида ўз даврида жуда кўп ёзилган, хозиргача мутахассис ва ҳатто мутахассис бўлмаган кишилар ҳам эслаб туришади. Чунки бу айни ўтган асрнинг 60-йиллар адоги – 70-йиллар бошларида театрга кириб келган нихоятда умидли ва гоят талантли бутун бир авлоднинг дастурий спектакли эди.

Ноҳақлик дунёсига қарши исён кўтартган бош қаҳрамон Карл Моор озод бир мамлакат барпо этишни орзу қиласи. Бироқ юксак ниятларни номарғуб йўллар билан, талон-тарож, қароқчилик усуллари билан амалга ошириб бўлмайди. Ўз гуноҳларини инсоний ҳатти-ҳаракатлари билан ювмоққа чорланган қаҳрамон охир-оқибат фожиага юз тутади.

Ўша йиллари – Шўролар салтанати бутун дунёга таҳдид солиб, эрк ва озодлик фояларини бўғиб турган замонда исён руҳини эркесварлик фояларини тарғиб этиш бу катта жасорат эди. Инчунун, кечагина бош режиссёр бўлган Баҳодир Йўлдошев ёки Республиkanинг бош театрига қабул қилинган унга маслакдош ёш актёрлар учун бундай жасорат кечирилмаслиги ҳам мумкин эди. Ахир, ўтган аср бошларида, қизил империя истиқлол фояларини қонга кўмиб турганида, ўз юртининг озодлиги учун, истибодд ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун “Португалия инқилоби”, “Чин севиш”, “Хинд ихтилолчилари” каби рамзий маънодаги асаллари билан халқни уйғотмоққа чорланган Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқа

миллатпарвар аждодларимизнинг маънавий ва жисмоний тазиикларга учраб, маҳв этилгани сир эмас эди-ку! Мана шундай ижтимоий вазиятда “Қароқчилар”нинг саҳналаштирилиши бу катта ҳодиса эди. Қолаверса, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, Римма Аҳмедова, Ҳожиакбар Нурматов, Сайдкомил Умаров, Дилбар Икромова каби қатор янги номлар илк бор шу спектаклда тўлақонли намоён бўлаётган, ўзларининг нурли истиқболи учун умид уйғотган эдилар.

“Қароқчилар”дан сўнг Баҳодир Йўлдошев ўн йил давомида Ҳамза театри ва хориж театр саҳналарида ўттизга яқин спектакллар қўйди. “Комиссия” (Ў.Умарбеков), “Мен Чилига ишонаман” (В.Чичиков), “Қалби олов” (Н.Мирошниченко), “Фариблар” (В.Дельмар), “Сахро тор” (А.Мухтор), “Ганг қизи” (Р.Тагор), “Тирик мурда” (А.Толстой), “Томоша давом этади” (З.Фатхуллин), “Истеҳком” (И.Султон), “Нодирабегим” (Туроб Тўла), “Абу Али ибн Сино” (Уйғун), “13-раис” (О.Абдуллин), “Гурунг” (М.Бобоев), “Бой ила хизматчи” (Ҳамза), “Юлдузли тунлар” (П.Қодиров), “Зебинисо” (Уйғун) кабилар узун рўйхатнинг бир қисми. Бу асарлар ўз вақтида турлича талқин ва баҳоларга сабаб бўлди. Эътироф этилди, инкор қилинди. Олқиши ва тазиикларга учради. Бироқ нима бўлганда ҳам ўзбек театр санъатининг, бош академик миллий театримизнинг мавқеи ва нуфузини сақлади. Бошқа театрлар учун ибрат

ва ижодий маёқ вазифасини ўтади. Буларнинг ичидаги Б.Васильев асари асосидаги “Рўйхатларда йўқ” ва Сайд Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” пьесаси асосидаги спектаклларни алоҳида таъкидламоқ лозим.

Хозирда Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носировнинг актёр сифатида кашф этилиши ва эътироф топишида “Рўйхатларда йўқ” спектаклининг ўрни бўлакча. Оригинал режиссёрлик талқини ва ижронинг пухталиги билан алоҳида эътибор топгаи бу спектакль учун Б.Йўлдошев атоқли режиссёр А.Попов номидаги мукофотга сазовор бўлган эди.

“Келинлар қўзғолони” спектакли энг “жанжал”ли, бир-бирига зид талқинлари билан қанча муҳокама-мунозараларга сабаб бўлиб, охир-оқибат халқимизнинг беқиёс муҳаббат ва олқишлиарини қозонди, ўзбек театри тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади, десак муболага эмас. Баҳодир Йўлдошевнинг ўз ибораси билан айтганда, унинг “беозор безорилиги” бўлган бу спектакль миллий театр ҳаётида янги сахифа очди. Беғубор кулги, қўйма миллий образ ва топилмалар, бири биридан жонли ва пухта мизансаҳналар, бир нафас ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайдиган ҳаракат ҳамда актёрлар ижросининг узлуксиз динамикаси “Келинлар қўзғолони” спектаклининг асосий фазилатлари эди. Ва яна энг муҳими, барча иштирокчи актёрларнинг юксак ижро маҳорати ҳамда энг

аввало, буюк актриса Зайнаб Садриеванинг саҳнадаги беназир етакчилик салоҳияти спектакль муваффақиятининг бош омили эди...

Афсуски, бу энди факат тарих бўлиб, кишилар хотирасида ва видеотасмаларда қолди, холос.

Собиқ тузум даврида санъат мафкуравий қурол сифатида олий раҳбариятнинг доимий назари ва исканжасида эди. Цензура ё ҳаёт, ё мамот масаласини ҳал этгувчи нозир ва яна бир отряд қўғирчоқ “мутахассислар” – соғлом фикр ва ёргуғ интилишларни бўғишга фатво тўқиб бергувчи ҳакамлар бўларди. Баҳодир ўн бир йил ақадемик театрга бош режиссерлик қилиб, не-не қалтис вазиятларга тушмади, кимлар билан олишиб-талашиб, ўз ҳақиқатларига ишонтиromoқчи бўлди. Гоҳи келишиб, ён беришга мажбур бўлди, гоҳи масала ўта принципиал нуқталарга кўтарилиганда, ҳеч нарсанинг мулоҳазасига бормай курашди. Унинг ҳар бир спектакли ўзига хос маънавий муҳорабалар учун мавзу эди. 1983 йили Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи асосида шу номда спектакль қўйганида, темурийзода Захириддин Бобур сиймосини саҳнага олиб чиққани учун Марказқўм котибасининг қанчалар жазавага тушиб, спектаклни тақиқлагани ва бу асар Баҳодирнинг отахон театр саҳнасидаги сўнгги спектаклларидан бўлиб қолгани балки бугун кўпчиликка олис тарихдир. Марказқўм “сопини

ҳам ўзидан чиқариш"га одатланган әди. Ҳа-  
деб Баҳодир аканинг ўзи бир издиҳомда таъ-  
кидлаганидек, "60 кишилик театр труппасида  
доим 15 киши фаол ишлайди. Балога қоладиган  
ҳам шулар". Қолганлари эса кузатувчи. Вакт  
ўтган сари кузатувчилик аламга айлана боради.  
Ана шунаقا аламзадаларга озгина туртки  
берилса бас – фийбат билан бошланган норозилик  
даҳанаки жанг, фитна ва оммавий хатбозликлар  
билан авж нуқтасига кўтарилади. "Юқори"га ҳам  
бўйсунмас, саркаш бош режиссёрдан кутулиш  
учун шунинг ўзи кифоя. Дарҳол расмий-  
сиёсий тус бериб, масалани фирмә йигилишига  
қўйиб, ҳал қилиб ташлайди. Мамлакат санъати  
тақдири билан боғлиқ масала шу қадар жўн  
ва ақлсизлик билан ҳал этилаётганини ўйлаб  
ўтириш йўқ. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам.  
Труппадаги тинимсиз зиддиятлар авжланиб,  
маънавий муҳит кескин бузилган, гийбату  
фитна-фасод республика матбуотига чиқиб  
театр юзидан парда кўтарилган бир вазиятда  
Б.Йўлдошевга театрни тарқ этишдан бошқа  
имконият берилмади. Ва у фирмә мажлисига  
тупурганича, театрнинг марказий дарвозаларини  
ланг очдириб, маҳобат билан театрдан чиқиб  
кетди. Бу кетиш ўзбек санъати тарихидаги энг  
узоқ кетишлардан бўлди. Қарийб чорак асрлик  
узилиш әди бу...

Қизиқ, мана шу қисмат учун ҳам Баҳодир  
масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўз-ўзини  
айбдор ҳис қиласи: "Бош режиссёр бу – емиш,

парча гўшт. У ўз актёрларини ё енгиб яшashi керак, ё емиш бўлиб қолиши керак.

Вақт ўтиб биляпман – Ҳамза театрида мен айбдор эдим. Охиригача бош режиссёр бўлиб қололмадим. Кесмадим. Бош режиссёрнинг оддий режиссёрдан фарқи – у шафқатсиз бўлиши керак экан”.

Баҳодир бош режиссёрлик рутбаси ва масъулиятини теранроқ англаб, шу мавқеда янгитдан иш бошлаганида, яна не-не фитна ва хиёнатларга дуч келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо энди бу бўлак бир тарих...

## 2

Баҳодир Йўлдошев 1984 йили Ҳамза номидаги академик театрнинг аввалги биносида фаолият юритаётган Ёшлар театрига бош режиссёр этиб тайинланганида, қарийб йигирма йиллик тарихга эга, ўз йўли ва ўз йўналишини белгилаб олган, дурустгина режиссёрларни кўрган ва айни чоғда ёш умидли Наби Абдураҳмонов режиссёрлик қилаётган, Ширин Азизова, Мурод Ражабов, Ноила Тошкенбоева, Тожибой Норматов, Азиза Бегматова, Фарход Аминов, Доно Бобохонова, Мадина Усмонова, Мухаббат Абдуллаева, Файбулла Ҳожиев, Рустам Каримов, Малика Иброҳимова каби бақувват актёрлар гуруҳи йифилган жамоага етакчи бўлаётганини яхши билар эди. Билар эди-ю, аммо бу унинг театри

эмас эканини ҳам қалбининг туб-тубида хис қилар, “Нима қилмоқ керак?” деган абадий машъум савол яна кўндаланг бўлишини тушунар эди. Бироқ не бўлмасин, ҳар қандай театрнинг бор-йўқлигини, ҳар қанча қувфинга учраган режиссёрнинг ҳақлигини исботлаш воситаси бу аввало ва асосан спектаклдир. У шуни яхши англағани учун ҳам парда орти “ўйинлари”га қўл силтаб, бирин-кетин А.Иброҳимовнинг “Чакана савдо”, А.Гельманнинг “Зенуля”, “Саркофаг” пьесаларини, Ҳ.Ҳакимзоданинг “Майсарапнинг иши” асарини завқу шавқ билан саҳналаштириди. Унинг янги театрга ўтиб, ўзини тўлақонли намоён этган илк спектакли “Майсарапнинг иши” бўлди десак хато бўлмас. Чунки бу спектаклнинг ижодий тақдири ҳам том маънода “Баҳодирона” кечган эди.

Режиссёр халқ театри анъаналарини Оврўпача профессионал театр талаблари билан узвий уйғуналаштириб, томоша санъатининг янгидан ҳаёт касб этиши учун, ўзбек театр эстетикасининг яна бир янги йўналиш кашф этиб, бойиши ва ривожланиши учун замин ҳозирлаган эди. Аслида “Келинлар қўзғолони” спектаклида илк бор бўй кўрсатган бу тажриба “Майсарапнинг иши”да тўлақонли намоён бўлди. Ҳар қандай янгиликнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, яшаб кетиши осон кечмаганидек, “Майсарапнинг иши” спектакли ҳам яна расмий доираларнинг тазиيқига, таъқиб-таъналарига дучор бўлди. Спектакль майдон томошалари каби халқ ичида,

томушабинни фаол иштирокчига айлантирган ҳолда бошланади. Халқона куй-қўшиқлар асносида, миллий удумларимизга кўра, ҳар хил бало-қазо, ёмон кўзлардан асрасин дея исириқ тутатилади. Сўнг Майсаранинг қувноқ саргузаштларига ўтилади. Ва томоша бир нафасда, шодон қаҳқаҳа ва тинимсиз олқишлиар билан давом этади. Томушабинни қамраб олган дастлабки кайфият охиригача сақланиб қолади. Режиссёрнинг мукаммал композицион қурилмаси, актёrlарнинг импровизацияга бой ижролари, томушабиннинг фаоллиги – бари омухталикда спектаклнинг фавқулодда муваффақиятини таъмин этади. Ана шуни кўролмаган ва Баҳодир Йўлдошевни ақадемик театрдан қувғин қилиб синдиrolмаган амалдорлар жўяли асос топа олмагач, исириқни баҳона қилиб, режиссёрни “диний сарқитларни тарғиб қиласяпти”, деган важ-карсонлар билан айблашга уринадилар. Бироқ шукрки, жамиятда батамом янги қарашлар ва ўзгаришлар шабадаси эса бошланган эди.

Шу кезлари Олмаота шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрларининг анча нуфузга эга бўлган “Наврўз” фестивали ўтказиладиган бўлиб, мустақил эксперtlар гурӯҳи фестивалга Ўзбекистондан айнан “Майсаранинг иши” спектаклини танлаб тавсия этадилар. Фестиваль ташкилотчилари спектаклнинг услуги ва ўналишини тўғри англаб, Мухтор Аvezov номидаги Қозоқ Академик театри биноси

олдидаги майдонга декорацияларни қуришни таклиф этадилар. Ва натижга кутилгандан ҳам кўра аълороқ чиқади. Спектакль росмана майдон томошаси сифатида, замонавий режиссура санъатининг янги изланишлари намойиши сифатида томошибинларнинг ҳам, ҳакамлар ҳайъатининг ҳам якдил эътирофига сазовор бўлади. Минтақа профессионал театрлари орасида энг изланувчан жамоа сифатида Ёшлар театрининг “Майсарапининг иши” спектакли фестивалнинг бош соврини билан тақдирланади. Ана шу муваффақиятдан кейингина спектакль атрофидаги “икир-чикир” гаплар барҳам топади. Баҳодир Йўлдошев замонавий ўзбек театр режиссурасининг дарғаси, театрнинг росмана етакчиси сифатида тан олинади. Худди шу кезлари Ҳамза номидаги академик театрнинг Б.Йўлдошевга маслақдош 25 актёри ёшлар театрига ўтиб, бу театр энди буюк актёр номи билан юритила бошлайди. Ҳар жиҳатдан қувватланиб, кучайган ижодий жамоа XX аср ўзбек театрининг тарихига кирган қатор спектаклларни яратади. “Келинлар қўзғолони” (янгитдан тикланган вариант), “Қора камар”, “Фармониби аразлади”, “Зиёфат”, “Паранжи сирлари”, “Искандар”, “Маъмура кампир”, “Малика”, “Фаридун”, “Алвидо ҳаёт”, “Бир эшак ҳангомаси”, “Китмир”, “Бухорои Шариф” кабилар фикримизнинг ёрқин исботидир. Бу спектакллар театрни ҳам, Баҳодир Йўлдошевни ҳам шон-шуҳратга кўмди. Турли мукофот ва

ёрлиқларга сазовор қилди. Шукур Холмирзаев-нинг “Қора камар” пьесаси асосидаги спектакль учун Б.Йўлдошев бошчилигидаги бир гурух иштирокчилар Республика Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Дарҳақиқат, бу спектакль шундай юксак эътиборга арзигулик жиддий ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида намоён бўлган эди.

Собик шўролар даврида босмачилик ҳаракати ҳақида бесаноқ китоблар ёзилгани ва уларнинг бари бу ҳаракатнинг “ёвуз моҳияти”ни очиб, батамом қоралашга урингани барчага яхши маълум. Бироқ бу ҳаракат оддийгина қароқчилик ё зўравонлик бўлса, нега шу қадар кенг миқёс касб этиб, ўн-ўн беш йил яшади дея шубҳага борувчи олим ё адаб чиқмади. Бу савол ижтимоий ҳаётимиизда биринчи бўлиб, бор мураккаблиги ва залвори билан “Қора камар” спектаклида кўтарилиди десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Мана шу асар ҳам сабаб бўлиб ўз тарихимизга янгича, ҳаққоний ёндошмоғимиз лозимлигини ҳис эта бошладик. Халқ тарихи ортида инсонлар-шахслар тарихи ётганини, демакки, ўтмиш аждодларимизнинг ҳар бир вакили қисматига, тақдирига алоҳида эътибор қилмоғимиз зарурлигини англай бошладик. Шунинг учун ҳам “Қора камар” спектакли нафақат маданий ҳаётимиизда, айни чоғда ижтимоий ҳаётимиизда ҳам жиддий воқеа бўлиб қолди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари жамиятимиздаги буюк ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниб, тамомила янги сиёсий тузум барпо этиш учун курашлар даври бўлди. Инсониятнинг маданий тарихидан маълумки, буюк ўзгаришлар замонида санъат ва адабиётда ҳам улкан ҳодисалар рўй бериб, юксак санъат намуналари яратилади. Ҳеч шубҳасиз Баҳодир Йўлдошевнинг рассом Георгий Бrim билан бирга 90-йилларда яратган спектакллари ва майдон томошаларини шу сирага киритиш мумкин. “Паранжи сирлари”, “Искандар”, “Фаридун”, “Малика”, “Бир эшак ҳангомаси”, “Нодирабегим” спектакллари, Мирзо Улугбек, Амир Темур юбилей саналари муносабати билан ҳамда “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасидаги “Буюк ипак йўли”, “Шашмақом” номли қадимий Самарқанднинг улуғвор Регистон майдонида қўйилган оммавий майдон томошалари юқоридаги фикрнинг тасдифидир.

“Хамса” асари ҳазрат Алишер Навоий даҳосининг ўлмас обидаси, улуғ мутафаккир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларининг юксак бадиий ифодасидир. “Ҳайрат ул-аброр” достонида дастлаб адабий эскизлар сифатида учрайдиган воқеа-ҳодисалар, ўй-мушоҳадалар “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” достонларида батафсил бадиий таҳлил ва бағоят теран талқинлар билан ҳикоя қилина бориб, сўнгги “Садди Искандарий”

достонида бадий-фалсафий умумлашмалар асносида мужассамлашади ва яхлитлик касб этади. Шу боис ҳам “Хамса” беш достондан иборат ягона ва яхлит асардир. Мана шу кўпчилик дарҳол илғайвермайдиган ҳақиқат “Искандар” спектаклида ўзининг ажиб рамзий ва ҳаётий ифодаларини топади. Тахтнинг тобутга айланиши, ҳукмдорлик рутбасининг моҳиятан жаллод ва ниҳояси абадият сари бўм-бўш қўллар билан рихлат қилиш экани фавқулодда таъсирчан лавҳалар ва мизансаҳналарда, сокин ва соҳир оҳанглар жўрлигига, чексиз коинот остида мужассам бўлган будда ва насроний ибодатхоналар, пештоқига “Куръон” оятлари битилган масжидлар тасвирлари фонида намойиш этилади. Ҳазрат Навоий бугунги томошабин кўз ўнгига ҳам инсон, ҳам умумбашарий бир сиймо сифатида намоён бўлади. Қадим мумтоз мақомлар билан Иоганн Себастьян Бах орган мусиқа оҳанглари узвийлигига томошабинни илохий туйфулар оғушига чорлайдиган сирли маънавий муҳит пайдо қилинади. Бир ярим соат давомида ана шу муҳит муқим сақланади. Бирор кимса томоша залини бетаъсир, хиссиз, фикрсиз тарк этолмайди.

Ўзбек томошабини Аброр Хидоятов, сўнг Олим Хўжаев ва Раззоқ Ҳамроевлар талқинида Алишер Навоий сиймосини етиб бўлмас юксаклиқда, гўёки бир ҳайкал мисол маънавий бисотига сингдирган эди. Баҳодир Йўлдошев актёр Афзал Рафиқовни ҳар бир инсон юра-

года кечадиган туйфулар, изтироблар ҳамда ўй-мушоҳадаларга бегона бўлмаган, қалбан яқин Алишер Навоий образида жонлантириб, анъанавий тасаввурларни бузади. Ҳазратни замона оқилларига ошно этиб, замондошимиздаги том маънодаги янгилик ва катта муваффақият эди. Айни чоғда “Искандар” спектаклининг миллий қадриятларимиз тикланаётганининг намойиши ўлароқ кенг байрам қилинаётган Наврӯз байрами куни – 21 мартда томошабинга илк бора кўрсатилиши ва бу ҳодисанинг орадан беш ой ўтиб энг улуғ-энг азиз вокеа – Мустақиллик эълон қилинажак 1991 йилда рўй бериши ҳам ажиб бир рамзийлик, табиий муштараклик касб этган эди.

1994 йилнинг бошларида Франция элчи-хонасининг ташаббуси билан Ўзбекистонга француз театр актёри Франсуа Шато ташриф буюради. Мақсад – ўзбек театри билан ҳамкорлик қилиш. Бу ҳамкорлик “Искандар” спектакли мисолида ўзининг гўзал ва бетакрор самарасини берди. Франсуа Шато фаранг тилида Алишер Навоий ва Арасту сиймосини, ўзбек актёрлари эса ўз она тилларида Искандар ва бошқа ролларни ижро этдилар. Баҳодир фаранг актёри билан хижжалаб, устоз-шогирддек ишлагани йўқ. У актёрни Алишер Навоий даври, асарлари билан таништириди. Навоийшунос олимлар билан учраштириди. Қисқаси уни Навоий дунёсига олиб кирди.

Инсоният бадиий тафаккурининг энг баланд чўққиси Шекспир деб юрган актёр Навоий даҳосини англа, асарларини ўзлаштира боргани сари, қарашлари ислоҳ топа бошлади. Ва ана шундай тушунчалар билан роль ижросига киришди. Пировардида томошабинни ҳайратларга эш қилган яна бир кашфиёт рўй берди. Тил тўсиқларини тамомила унутиб, Навоий сиймосидаги актёрнинг пурвиқор қиёфаси, дониш акс этган кўзлари, эҳтиросли ижроси ва сахна маданияти барчани маҳлиё этди. Баҳодир Франсуанинг юксак профессионал актёр эканини, спектаклда актёрлар ансамблига етакчилик қила биладиган салоҳияти борлигини дастлабки танишув ва сухбатларидаёқ англаган эди. Шундан келиб чиқиб у актёрга асосан интеллектуал юк ва тўла ижодий эркинлик берган эди. Натижа кутилгандан аълороқ бўлди. Бу яна бир карра Баҳодир Йўлдошев режессурасининг улкан имкониятларини намоён этди.

Баҳодир Йўлдошев Ўзбек Давлат драма театрида сахналаштирган хар бир спектакль ўзига хос воқеа бўлиб қолди. Театр санъати ривожига, янги изланиш ва тажрибаларга йўл очди. Олимжон Салимов, Наби Абдураҳмонов каби режиссёrlарнинг эътироф ва шухрат топган қатор спектакллари яратилишига ижодий туртки берди. Шу билан бирга мамлакатимиз ва хориждаги театр жамоалағининг ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклиф ва даъватлари учун ҳам сабаб бўлди.

Б. Йўлдошев Америка Кўшма Штатларида, Лаосда, Францияда, Тожикистонда спектакллар қўйди. Ўз юртимиздаги турли йўналишдаги театрларда, жумладан, Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театрида “Алишер Навоий” операсини, Давлат академик рус драма ва А.Мажидий номли Каттакўрғон театрларида “Келинлар қўзголони” спектаклларини, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё давлат театрида “Дардимни кимга айтай?”, “Маъмура кампир” спектаклларини сахналаштириди. Айниқса, унинг Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида қўйган “Нодирабегим” спектакли ҳамкорликнинг сара намуналаридан бўлиб қолди.

Тарихимизнинг энг кир ва қора даврлари – XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида вое бўлган хонликлар орасидаги ўзаро зиддиятлар, майда гина-кудурат ва ер талашишлар оқибатида жаҳолат ғолиб келиб, эзгулик горат этилаётган бир пайтда шоираи даврон, Кўқон маликаси Нодирабегимнинг мамлакат бирлиги ва давлат мустаҳкамлиги учун курашлари акс этган спектакль мусиқали театр ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова талқинида Нодирабегим мамлакат маликаси, демакки, юрт онаси сифатида халқ дарди билан яшаётган, гоҳи хукмдор ўғлининг нодўст аъёнлари таъсирига берилиб, хатоларга йўл қўяётганидан безовталаниб изтироб чекаётган, эл-улуснинг

тинчи ва равнақи ҳақида ўйлаётган оқила бир аёл. Фарзандини хатолардан ва хатарлардан асрыйман деб сиёсат ўйинларида ташаббус кўрсатишига мажбур бўлган Нодирабегим, дунё ишларидан безиб чарчаганида, суюкли ёри Амир Умархон хотирасидан қувват олади, нафосат мажлислари, назм-мушоираларидан таскин топади. Спектаклда ана шу ҳолатлар мумтоз мусиқа ва хореографик композициялар билан йўғрилган рамзий-хаёлий, гўзал мизансаҳналарда ўз ифодасини топади. Томошабин давлат юки билан оналик туйғулари ўртасида, сиёсат билан нафосат орасида мувозанат тополмаётган, жағфокаш аёлнинг ёзғириш ва азобларидан мутаассир бўлади. Спектакль сўнгидаги қатл саҳнасида режиссёр топган рамзий фожей лавҳадан ларзага тушади. Ўзига хос катарсис – фориғланиш, тозариш ҳиссини туяди. Бу ҳам ўз навбатида, Баҳодир Йўлдошев режиссурасининг мусиқий театр йўналишидаги катта муваффакияти эди. Таъкидлаш жоизки, Баҳодир Йўлдошев томонидан миллатимизнинг атоқли тарихий шахслари ҳақида қўйилган спектаклларда, жумладан, “Юлдузли тунлар”, “Зебуннисо”, кейинроқ “Алишер Навоий” спектаклларида ва ниҳоят “Нодирабегим”да яққол намоён бўлган шартли-мажозий кўтаринки услуб режиссёрнинг кейинги ижодий фаолиятида устувор хусусият бўлиб қолди.

Баҳодир бир вақтлар устози Тошхўжа Хўжаев суйиб бот-бот тинглаган бир қўшиқни эслаб, хиргойи қилиб юрарди. Бобораҳим Машраб fazали билан Толибжон Бадинов қиёмига келтириб айтган бу қўшиқ кейинроқ бора-бора унинг ҳам севимли қўшиғига айланиб қолди:

Хеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мени,  
Осмонни пора қилди оҳу афғоним мени.

Ўтган асрнинг 80–90-йиллари Б. Йўлдошев режиссёрлик санъатининг чўққиси, Ўзбек Давлат драма театрининг юксалиш йиллари бўлди. Расмий, норасмий эътирофлар, унвону нишонлар, хориж сафарлари, хуллас, бир инсон орзу қилса, арзигулик қисмат. Аммо бу ютуқлар қанчадан-қанча ички ва ташки курашлар, зиддиятлар, баҳсу мунозаралар, гап-сўз, гина-кудурат, фийбат-маломатлар билан кечгани фақат унинг ўзигаю атрофидаги яқинларига аён. Театрда “ман-ман”лик муайян ролда маромига келтириб ўйналса, ёмон эмас, бироқ “мен зўр, сен пачоқ, мен буюк, сен ўртамиёна” қабилидаги калондимоғлик, ўзига алоҳида рутба ва мавқеталаблик авж олса, мана бу фожиа. “Санъатдаги ўзингни эмас, ўзингдаги санъатни сев”, деган эди улуғ Станиславский. “Мен учун фалон спектаклни қўйиши керак, мен фалон қаҳрамонлар ролини ўйнашим керак, чунки шуни деб академик театрдан кетдим”, дея ўз “жасорат”ини писандаги қилган актёр –

шахс әмас. Ўз ҳаётий ақидалари, ўз “мен”и бўлмаган актёр бу фақат тақлидчи-муқаллид, холос. Баҳодирнинг ўзи айтгандек: “Артистлар бу – доим бирорларнинг гапини, бегона матнларни гапиравчилардир”. Дарҳақиқат субутсизлик, бекарорлик инсонни ҳам, ҳар қандай жамоани ҳам птурдан кетказади. Шу маънода бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев ниҳоятда қатъиятли ва бешафқат раҳбар. У ўз труппасидан кимгадир меҳрибонроқ, кимгадир эътиборсизроқ бўлиши, хизмат ва вазифа тақозоси билан кимгадир мурувватлироқ, кимгадир аччикроқ гапириши мумкин. Аммо театрдаги интизомга риоя қилмаса, репетиция ёки спектаклларга кечикиб келса, тамом, ўша кун ва дақиқадан ўша актёр Баҳодир учун бегона, у театрдан кетиши шарт. Ишини, репетиция жараёнини муқаддас деб билмаган актёри у ҳисобдан чиқаради. 2001 йилга келиб шундай бўлдики, Баҳодир жамоанинг салкам ярми билан “хайрлашиш”га мажбур бўла бошлади. Театрнинг ўзгармас қатъий Низомлари майший манфаатлар исканжасида емирила бошлаётган эди. Баҳодир курашдан кўра ён беришни, чекинишни афзал билди. Бош режиссёрлик курсисини топширди. Зеро, санъаткорлик ақидалари, қолаверса, соғлиғи шуни тақозо этмоқда эди. У бу билан қай бир маънода, яна театрдан кетди. Бу кетиш энди ихтиёрий-мажбурий кетиш бўлди.

Истиқлол йиллари Ўзбекистонда энг ривож топган санъат турларидан бири майдон томоша санъати бўлди. Тинчлик ва бунёдкорлик бош шиори бўлган мамлакатда, шўро пайтларидек, ҳарбий кудратни англатувчи аскарлар ва ўлим ваҳшатини солувчи даҳшатли қуроллар паради эмас, балки аксинча, ҳаёт, гўзаллик, яратувчилик рамзи бўлган санъат тантанасини намойиш этувчи кенг миқёсли театрлаштирилган томошалар қўйиш анъанага айланди.

Вақти келиб мутахассислар мустақилликнинг дастлабки йиллари тажрибаларини сархисоб этганларида, санъатнинг бошқа турларига нисбатан майдон томошаси ижтимоий воқелик тақозосига кўра ғоят тез тараққий ва такомил топганини, унда томоша санъатининг жуда кўп жанрлари синкетик бир шаклда муҗассамланганини эътироф этардилар. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, майдон томошаси Баҳодир Йўлдошевдек режиссёrlар бадиий тафаккури маҳсули ўлароқ янги, замонавий, айни чогда ғоятда миллий юксак эстетик жиҳатлар кашф этди. Б.Йўлдошев ўтган ўн беш йил ичida Мирзо Улугбекнинг 600, Амир Темурнинг 660, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейлари, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестиваллари, бир неча бор Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари тантаналарини саҳнага қўйди. Буларнинг ҳар бири ўзича алоҳида

тадқиқот мавзуи. Чунки уларни оддий концерт ё шунчаки бир хореографик композиция, деб бўлмайди. Билъакс мусиқа, рақс, қўшиқ санъати жанрлари узвийликда фаол қўлланган, бир ғоявий мақсад атрофига жамланиб, очиқ осмон остида ижро этилган теран фалсафий мазмундаги театрлаштирилган маҳобатли томоша санъати намунаси деб атасак ҳодиса моҳиятига яқинлашгандек бўламиз. Мазкур фикрдан келиб чиқиб, Б.Йўлдошев сахналаштирган айрим томошаларни ёдга олайлик. Даставвал 1994 йили буюк мунахжим, мутафаккир ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги шарафига уюштирилган томоша бўлди. Тўғри, “Майсарапининг иши” спектаклини майдон томошаси шаклида ҳам қўйиб, муваффақият қозонган режиссер учун бу янгилик эмас эди. Бироқ тадбирнинг нафақат маданий ҳаётимиизда, шу билан бирга эндиғина тетапоя бўлаётган мустақил давлатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам мухим аҳамият касб этганини, ЮНЕСКО ҳомийлигида Истиқлол йилларида ўтаётган дастлабки ҳалқаро тадбирлардан бўлганини ҳам назарда тутсак, томошани сахналаштириш масъулияти ҳам нақадар жиддий бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Колаверса, улуғ аждодларимиз орасида Мирзо Улуғбек номи ва асарлари жаҳон илм-фан аҳлига бошқалардан кўра яхшироқ маълум ва машҳур эди. Ана шундай ҳолатда барчага маъқул бўладиган, нафақат маъқул, айни чоғда ҳайрат уйғотадиган

монументал майдон томошасини яратиш осон иш эмас эди. Баҳодир рассом Г.Брим билан бамаслаҳат ишга кириши. Улар томоша ғояси ва бадиий эскизлари устида анча изландилар. Юртбошимизнинг тавсиялари билан томоша учун саҳна – пурвиқор Регистон майдони белгиланди. Бу табиий саҳна ҳар қандай томоша муваффакиятининг дастлабки омилидир. Бироқ ана шу майдондан оқилона фойдаланиш, уни бор ҳайбати ва бетакрорлиги билан кўрсата олиш ҳам осон эмас эди. Режиссер рассом билан бунинг уддасидан чиқди. Майдон узра ўрта асрлар Мовароуннахр давлатининг бор салобатини англатувчи манзара жонлантирилди. Ҳар тарафда узун залворли чўян фонуслар. Фонусларда чор атрофга шуъла ва тафт бериб, гулхан ёнади. Саҳнага асьасаю дабдаба билан сарой маликалари кириб келади. Марказда гўё мурғак Улугбекни аллалаётган бешик пайдо бўлади ва сокин-соҳир “алла” қўшиғи таралади. Қўшиқ карнаю ногора, катта издиҳом ва йигинларга чорлагувчи ҳайбатли литаврлар шовқинларига уланиб кетади. Сокин куйдан кейин бирдан оламни тўлдириб, шовқинли оҳангларнинг тантанавор янграши томошабин вужудини тўла қамраб олади. Уни беихтиёр воқеалар иштирокчисига айлантириб қўяди. Майдонга янги туғилган чақалоқ – набирани муборакбод этгани бобо – Соҳибқирон Амир Темур оқ от миниб кириб келади. У ҳали дубулгасини ҳам ечмаган, катта бир муҳорабадан

зафар қучиб келмоқда. Сохибқирон набирани күлга олиб, бир муддат термилади-да, бекларнинг беги, улуғи бўлсин дея, чақалоқнинг манглайидан ўпид чиқиб кетади. Шўх тарона-тантаналар янада авжланиб давом этади. Шу тахлит саҳна кўринишлари алмашиниб, оммавий хореографик ҳаракатлар асносида Улугбекнинг илм олами, шоҳлик шукуҳи, хорижлик элчилар билан мулоқот-муносабатлари ва ниҳоят фарзанди Абдуллатиф билан боғлиқ изтироблари, фожиаси кўрсатилади. Бу саҳналар Мақсад Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” трагедиясидан беназир санъаткор Шукур Бурҳонов ижросидаги монологлар, Хуршид Даврон қаламига мансуб Убай Бурҳонов ва Афзал Рафиқов ўқиган матнлар жўрлигида томошабин қалбida ҳаяжон ва завқ, тафаккурида ҳайрат ва ибрат уйғотади. Ибратки, авлодларга ўзлигини таниш, аждодлар кечмишларидан сабоқ олиш, ким эдик-ку, ким бўлдик деган саволни қўйиш учун зарур бўлган ибрат эди бу. Яқиндагина мустакиллигини қўлга киритган мамлакатда маънавий мезонлар белгиланаётган дастлабки даврларда шундай ибрат зарур эди. Бу фикрнинг яна бир исботи ўлароқ орадан кўп вақт ўтмай, улуғ аждодимиз, сохибқирон Амир Темур Кўрагон таваллудининг 660 йиллик санасини нишонлаш тантаналари бўлди. Бу байрамнинг ҳам асосий томошасини Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирди.

Амир Темур номи бу зот ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўлган одам учун бекиёс асъасаю

дабдаба, етиб бўлмас маҳобат, даҳшатли жангу муҳорабалар, осмонўпар ложувард гумбазлари ила ажиг сир ва салобат касб этган юксак меъморий обидалар билан уйғун тушунчаларни хаёлга келтиради. Баҳодир ака Амир Темур қиёфасини бирор актёрнинг ижросида жонлантиришдан кўра, у ҳақдаги ўша хаёлий тасаввурларни гўзал бадиий-хореографик томоша воситасида мустаҳкамлашга ҳаракат қиласи. Соҳибқирон сиймосини имкон қадар кам кўрсатишни назарда тутиб, уни англатувчи ҳодисаларни пластик ифода йўсинида акс эттиришни асосий мақсад қилиб олади. У ҳатто кейинроқ “Хужра” деган бир спектакл қўйсам-у, унда ҳужрадан Соҳибқироннинг чиқишини кутиб, бошқа иштирокчилар ўз сухбат ва хатти-ҳаракатлари билан Амир Темур деб аталган улуғвор ҳодисанинг моҳиятини очиб берсалар, қаҳрамоннинг жонли сиймоси умуман кўринмаса, деб ижодий ният қилганди. Шу ният тўла бўлмаса-да, катта томошада бўй кўрсатган эди. Бу билан Амир Темур салобатини янада юксакроқ тасаввур этиш имконияти яратилди. Айни чоғда Б.Йўлдошев режиссурасининг яна бир кирраси намоён бўлди. Оммавий томоша режиссрлиги санъатини бойитадиган ўзига хос тажриба амалга оширилди.

Айни муносабат билан яна бир мулоҳаза хаёлга келади. Баҳодир бундан ўн йиллар муқаддам бир сухбатида “Ҳамлет – миллат тимсоли, озодлик тимсоли... агар “Ҳамлет”ни қўядиган

бўлсам, миллатимизнинг қайси тимсоли бу ролни ижро этиши мумкин?” – деб айтган эди, аниқроғи, ўз-ўзига савол берган эди. Бироқ бу саволга жавоб йўқлиги учун оғир сўлиш олиб, мавзуни бошқа ёққа бурганди. Амир Темур сиймосини жонлантириш масаласида ҳам у шундай савол олдида лол эди. Миллат қаҳрамонини миллат тимсолига айланган актёр ўйнаши керак эди. Келбатига қараб бир актёрни олай деса, у тўйма-тўй юриб, ўша келбати билан нораво қилиқлар қилиб турса, овозининг ўқтам жозибасига қараб сайлай деса, бу овоз қурфур ҳар куни сахардан тунга қадар гоҳ радио, гоҳ телевизор экранидан ҳар турлик эшиттириш ва кўрсатувларда жаранглайвериб, меъдага теккан бўлса, хўш, нима қилиш керак? Бир қараши ёки имоси билан кишини ларзага соладиган қудратга эга Обид Жалиловдай буюк актёрлар ўтиб кетган... Албатта, бундай ҳолатда ягона чора – муайян қиёфани жонлантиришдан имкон қадар қочиш эди. У шундай йўл тутди. Соҳибқирон қиёфасини умумий кўринишларда хиёл жонлантириб, томошабинда хаёлий тасаввурларнинг тўла сақланиб қолишига эришди...

1997 йилдан мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ҳозирга қадар ўн маротаба шундай фестиваль ўтказилди. Икки йилда бир бўладиган бу мусиқа байрамининг очилиш маросимида улуғвор Регистон майдонида театр-

лаштирилган катта оммавий томоша қўйиш ҳам урф бўлиб, уни саҳналаштиришга етакчилик қилиш муттасил Баҳодир Йўлдошев зиммасига юкланмоқда. Бу маросимлар шунчаки очилиш тантаналари эмас. Ҳар сафарги томоша – бу алоҳида, бири-бирини такрорламайдиган, бир-биридан рангин, мустақил маҳобатли спектакллардир. Фикрни таъкидлаган ҳолда ана шу спектакллардан иккитасини алоҳида ажратиб қўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улардан бири 2001 йили саҳналаштирилган “Буюк ипак йўли” томошаси. Кейингиси эса 2003 йилги “Шашмақом” шартли номи остидаги бадиий хореографик композиция.

Буюк ипак йўли қадим-қадимдан Шарқ Фарни бир-бирига боғлаган, моддий неъматлар билан бир қаторда маънавий бойиш, юксалиш учун ҳам ўз даврида бекиёс хизмат қилган ҳаёт йўлидир. Унинг аҳамияти ва тарихини бутун дунё эътироф этади, ўрганади, илмий-амалий анжуманлар, адабий-бадиий тадбирлар ўtkазилади. Хуллас, томоша учун бир дунё манба ва адоқсиз мавзулар...

Баҳодир Йўлдошев мана шу манба ва мавзуларни бир тартибга солиш, ижодий тажрибадан ўтказиш мақсадида дастлаб унинг бадиий эскизини театр саҳнасида тайёрлаб олади. Энг муҳим ўқ – бош фояни топади: “Дунё турфа ранг ва мазмундан иборат ягона бир маскан. Инсоният турли тилларда сўзлашса-да, турли ақида ва одатларга суюнса-да, бир ота

ва онанинг фарзанди, қалби, ўю интилишлари муштарак". Ана шу ғоянинг инкишофи ўлароқ Буюк ипак йўли бўйлаб кетаётган карвон шартли-мажозий образи жонланиб, у гўёки йўлидаги мамлакатларга қўниб ўтади. Шу аснода турли мамлакатларнинг урф-одати, кийим-безаклари, куй-қўшиқлари акс этган алоҳида хореографик лавҳалар намойиш этиб борилади ва у охир-оқибат ягона композицион бутунликда кўзда тутилган бош ғояни ифода этади. Томошабин гоҳ Оврўпо майин-музикий оҳанглари оғушида, гоҳ "Кармен" операси учун ёзилган эҳтиросли испан куйлари шиддатида, гоҳ ҳинд сето ва таблалари жаранглаган нафосат оламида, қозоқ, тоҷик, туркман, корейс ва хитой куйсадолари янграган давраларда тўлқинланиб, сурурланиб ўтиради. Айниқса, ўзбек миллий куй ва рақслари, "Шашмақом"нинг сокин ва сехрли наволари тараалгач, гўёки узоқ сафардан сўнг ўз юртига кириб келган карвоннинг шодлиги ҳаволарни тутади. Барчанинг қалбига, онгига куй ва ранг завқи, ҳаётбахш фалсафаси муҳрланади. Тирикликнинг, яшамоқнинг нақадар улуг неъмат эканига, дунёнинг шунчалар инжа ва гўзаллигига юракларда алёр янграйди, ҳайратлар уммонида рух юксалади. Шундай туйгуларни бағишлигар ижодкорларга, санъаткорларга ич-ичингиздан тасаннолар айтиласиз.

Орадан икки йил ўтиб, ана шу майдонда намойиш этилган "Шашмақом" деб шартли

номланган томоша аввалги таассуротларни қайта уйғотиб, яна чексиз ҳайратларга чулғади. Миллий құшиқ, рақс ва лиbos санъатимизнинг бутун палитрасини намоён этди. “Шашмақом” – минглаб йиллар билан белгиланадиган қадим наволаримиз. Унда халқнинг дарди, орзу-умидлари, кори-касби ташвишлари, илму маърифати, урф-одати, ҳунар қадрияти, қувонч-шодликлари – бори-барчаси мужассам. Ундан хаёлот қамрови даражотига қараб беадоқ мазмун ва воқеалар иншо этса бўлади. Энг муҳими, уни томошабин-тингловчи қалби ва онгига етказа билишда. Режиссёр миллийлигимиз ва қадим юксак маданиятимиз ифодаси сифатида “Шашмақом”нинг бор жозибаси, моҳият-мазмунини имкон қадар тўлароқ намоён этиш учун жонли ижро усулини танлайди. Минглаб санъаткор ва ёрдамчи техник кучлар жалб этилган, очиқ осмон остидаги маҳобатли сахнада жонли ижро усулини қўллаш катта жасорат ва журъат талаб этади. Унча-мунча эҳтиёткор амалдорларнинг кескин эътиrozларига қарамай Баҳодир ака ўз фикрида қаттиқ туриб олади. Жоҳилона инжиқлик билан эмас, аксинча, топқирлик ва мантиқ билан уларни ишонтиради. Сўнг қайта-қайта такрорлаб, аниқ хаёлий тарҳ асосида майдоннинг марказиую бор атрофини, асосий сахна ва мизансаҳналарни пухта ўйлаб, реаллаштира бошлайди. Абдуҳошим Исмоиловнинг мусиқий истеъодига суюниб, “Шашмақом” тартиби,

ижро йўллари, ички динамикаси ва ижро чилар имкониятларини назарда тутиб, томошанинг хар жихатдан мутаносиб, яхлит композициясини шакллантиради. Албатта, режиссёрлик кўрими ва у тузган мукаммал конструкция ижро чиларнинг маҳорати билан уйғуналашиб, тўлиқ муваффакиятга сазовор бўлиши мумкин. Шу маънода мазкур томошада икки ака-ука бола ҳофизларнинг тиник наволаридан то ака-ука халқ ҳофизлари Исроилжон ва Исмоилжон Вахобовларнинг доирага усул бериб, унга ҳамоҳанг куйлаб майдонга кириб келишларигача, Сойибжон Ниёзовнинг қалб торларини чертгувчи “Дуторим” қўшиғидан то беназир созанда Абдуҳошим Исмоиловнинг фижжакдаги “Чўли Ироқ” нолаларигача, Тоҳирнинг бухороча ўйноқи мавригисидан тортиб, ниҳоят Матлуба Дадабоеванинг “Самарқанд ушшоғи”даги бетакрор авж пардаларигача – бари Б.Йўлдошев режиссурасида бафоят табиий узвийлик касб этди. “Шашмақом” хонишларининг ўрни билан Хоразм мақоми ва “Лазги”га, қорақалпоқ қизларининг нозли ўйинлари, Бойсун фольклор қўшиқ ва рақсларига омихта этилиши томошабин руҳиятининг дардчил, тушкун ҳиссиётлардан некбин туйғуларга уланиб кетишини таъминлайди. Раққосаларнинг завқу шавққа тўлиб, маҳобатли сахнани тўлдириб хиром этишлари ёруғлик ва ҳаёт тантанасининг мұқарарлигидан мужда беради. Баҳодир ака ана шундай томошаларнинг машқ жараёнида бир

фикри айтган эди: “Хар қандай қовушимсиз нарсанинг ё ижронинг жойини топиб, ўз табий тартибида кўрсата билсанг, уни одамлар қабул қиласди, керакли ё ёқимли нарсага айланади. Бу майдон томошалари режиссурасининг энг асосий хусусиятларидан”. Дарҳақиқат, уйғунликда гап кўп. “Шашмақом” майдон спектаклининг якунида яна бир мизансаҳна намоъиш этилди. Саҳнанинг томошабинга яқин ён томонларида турли миллий хунармандчилик дов-дастгоҳлари ўрнатилди; улар шунчаки декорация эмас, балки ўз вазифасига кўра ҳарататга солинган ашё-ускуналар эди. Каторда бир қанча тандирлар ҳам қурилган бўлиб, томоша бошланишида уларга ўт қалаб, қизитиб турилган эди. Томоша давомида уларга росмана нонлар ёпилиб, ниҳоясида тандирдан иссиқ-иссиқ узиб, томошабин-мехмонларга патнису ликопчаларда қанд-қурс, писта-бодом, пашмак-парварда, магизу туршак, олма-узумларга қўшиб тортиқ этилди. Бу манзара, бу ўзбекона лутфдан томоша таассуротида ҳаприқиб турган ҳалойиқ энди росмана қийқириб юборди. Ол-қишу алёр ҳаволарни узок вақт тўлдириб турди. Бу ўша Баҳодир ака назарда тутган уйғунликнинг мумтоз намунаси эди...

Баҳодир Йўлдошев ҳам жисмонан, ҳам руҳан ниҳоятда кучли шахс... “Эди” деган сўзни сира қўшгим келмаяпти. Чунки ҳамиша ёнингда, ҳамқадам, қадрдон, азиз инсон ҳақида ўтган замон феълини қўшиб айтиш жуда ёқимсиз.

Бироқ шундай дейишга ҳақиқат туйфуси мажбур этади...

Бир қарашда бўй-басти, гавдаси бирорлардан фарқ қилмайдиган, ҳатто навқиронроқ йигитнинг жисмонан кучлилигини тасавур қилиш қийин. Аммо бу рост гап. Баҳодир Йўлдошев спектакларининг репетиция жараёнларини кузатган одамлар буни яхши биладилар. Бир чойнак кўк чой ва бир пачка сигаретани столга қўйиб олиб, 15-16 соатлаб узлуксиз ишлаганини, ҳатто 40 даража ҳарорат билан уч кун давомли “Искандар” спектаклини премьерага тайёрлаганини, гоҳида ўзидан анчагина бақувват, барваста бузғунчи, нокасларни бир зарб билан қулатиб ташлаганини кўрганлар сўзларимизнинг лофт эмаслигини тасдиқлашар. Айни чоғда унинг руҳан нақадар қувватли эканини ҳам юқорида баён этилган кузатиш ва мушоҳадалар, не-не фитна ва маломатларга бас келиб, курашларда болиб бўлгани етарлича исбот этар.

Бироқ Баҳодир аканинг куч-қудрати ҳақида ўтган замонда гапиришимизнинг боиси шундаки, у ёши элликдан ўтганида ҳаётининг том маънода тиргаклари бўлган энг азиз кишиларидан бирин-кетин жудо бўла бошлади. Дастлаб, Турсунбой ота, 2001 йили онаси Ширинхон Мелиева оламдан кўз юмдилар. Турсунбой ота ҳам, Ширин ая ҳам ёшларини яшаб, барча орзу-ҳавасларини кўриб, ҳатто ўғилларининг 50 йиллигини, ўзларининг 85 ва 75 йиллик қутлуғ саналари билан бирга

Каттақүрғон театрида тантанали нишонлаб, дунёйи охиратга йўл олдилар. Гарчи Баҳодир ака бир-бирларига қаттиқ суюниб қолган икки қариясининг вафотини нихоятда оғир қабул қилган бўлса-да, табиат қонунига кўникмай ўзга иложи йўқ эди. Қизик, Турсунбой ота феъли мулоим, файласуфсифат инсон эди. Ширин ая эса, зикр этганимиздек, хукмфармо аёл бўлиб, сўнгти кунларигача фуурли, ўқтам феълини ҳам, қиёфасини ҳам сақлаб қолди. Баҳодир ака Каттақүрғонга тез-тез бориб, улардан хабар олиб турса-да, у ердан ҳам тез-да қайтиб келарди.

Она-бала бир тоифа, бир феъл, табиат қонунларига кўра, бир-бири билан чоғи-шолмайдиган ягона бир кутбдаги инсонлар сирасидан эди. Ўғил соч-соқолига қиров тушсада, она учун фарзанд, доимий тергаб-текшириб, назоратда тутиладиган ўспириндек эди гўё. Оламшумул маънавий муаммоларнинг сахнавий инъикоси ташвишлари билан фикри-зикри банд ўғилга тоғро бу назорат малол келар, ишдан ташқари барча нарсани номуҳим билиб, ҳар қандай майший масалаларга беписанд қаарар эди. Шунинг учун ҳам Баҳодир аканинг Каттақүрғон сафарлари узоқ давом этмасди. Бироқ бирор кун йўқ эдики, онасига қўнфироқ қилмаса, бирор дақиқа йўқ эдики, онаси хаёлидан ўтмаса!.. Шу боис ҳам у онаси вафотидан сўнг анчайин чўккандек бўлди. Уни кўриб-билиб юрганлар наздида улғайгансифат таассурот бера бошлади.

Йўқ, бу факат ҳаётда шукронасини айтиб, саксон ёшида фоний дунёни тарк этган она учунгина жудолик қайфуси туфайли эмас эди. Баҳодир файласуф санъаткор сифатида фаною бақонинг нима эканини теран англаған ва уни ўз бадиий қашфиётлари билан ўзгаларга хам англата билган шахс.

Аммо, афсуски, бундан аввалроқ жудоликнинг шу қадар аёвсиз бир зарбаси бўлган эдики, бунисига дош бериш ўта душвор эди. 1999 йили Германияда буюк мусаввир Георгий Бrim – Баҳодирнинг “Юра”си вафот этди. Дунёйи дунда 65 йил яшаб, хасталик нималигин билмай, ҳамиша йигитлардек чапдаст, файратли, меҳнаткаш-заҳматкаш Brim юрт жудолигини кўтара олмади. Туркманистанда туғилиб-ўсиб, Тошкентда илдиз отган немис фарзанди қарийб 40 йил ўзбек миллий театри учун ўта ҳалол ва холис хизмат қилди. Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург ва асосан Баҳодир Йўлдошевнинг деярли барча спектакллари сахна безакларини яратди. Баҳодир Йўлдошев режиссрлик феноменининг юзага келишида қашшоғлик ва камарбасталик қилди. У миллий хусусиятларимизни идрок этиш ва рангу шаклларда ифода этишда шунчалар камол касб этган эдики, уни ҳамма ўзбекларнинг ўзбеги деб қабул қиласиди.

90-йилларнинг адогида Brim нуроний онаси ва жондан азиз набирасининг ўз тарихий ватанига кўчиб кетишларига монелик қила ол-

май, уларнинг ортидан боришга мажбур бўлди. Чунки унинг ўзига ҳам кексалик рутубати соя ташлаётган, умр хазонини ҳамхоналарсиз ёлғизликда ўтказиш азобидан хавотирга тушаётган эди. Қанчалар оғир бўлмасин, у кетди. Кетдию орадан кўп фурсат ўтмай илдизидан ажралган чинор мисол қулади. Уни соғинч, илдиз отган юрт соғинчи, дўст соғинчи қулатди. Жисмонан бақувват, бўз йигитдек файратли инсоннинг ногоҳ ўлими сабабларини фақат шундай изоҳлаш мумкин!..

Шум хабар етган кунлар кўпчилик учун қайгули бўлди, уни билган ва суйган, хурматлаган кўпчилик учун... Аммо Баҳодир ака учун бу машъум хабар ҳақиқий мотам бўлди. Аллақачонлар дунёга файласуф кўзи билан қарашга одатланган Баҳодир ака учун бу сўнгсиз армон бўлди. Шу кунлари уни кўрган яқинлари, таъзия изхор қилиб келган дўстёрлари инсоннинг соқол-мўйи кўзёшларидан шунчалар нам тортиши мумкинлигига шоҳид бўлди... У барча имкониятини ишга солиб, олис Германияга отланди. Юртдан бир кафт тупроқ олиб, ўша мамлакатнинг қандайдир байрами туфайли кўмилишга рухсат бермай музхонада музлатиб қўйилган қадрдонининг жасадини ерга қўйиб келди. Келдию қайтиб бирор жиддийроқ ижодий иш билан шуғулланишга мажол топмади. Орадан бир-икки сана ўтиб онасини ҳам тупроқса берди... Буларни юрак кўтара олмади. Хасталикка

йўлиқди. Санъаткор юрагичалик яралангувчи ўзга юрак йўқ!.. Инсон руҳиятининг, куч-кувватининг сўниши учун бундан-да ортикроқ дард бўлмас?!

Георгий Бrim Баҳодир билан Ўзбек Давлат драма театрига ўтгач, “Ҳамлет” спектакли учун декорация ишлай бошлаган эди. Назаримда, бир вақтлар Ҳамза театрига бош режиссёр этиб тайинланганидан кейин Баҳодир Йўлдошев Шиллернинг “Қароқчилар” трагедиясини кўйиб, гўёки ўз тенгдошлари, ўз авлодининг ҳаётий дастурини эълон қилганидек, ёшлар театрининг ҳам дастурий спектакли бўлиши керак, деган мулоҳазадан келиб чиққан бўлса, ажабмас. Ҳамлетнинг “Мени ёнғоқ ичига солиб қўйиб, “Сен озодсан!” десангиз, мен ўзимни бутун дунёнинг ҳоқони деб сезаман” ёки “Давр издан чиқди, уни изига солмоқ менинг зиммамга тушди” деган сўзларини Баҳодир aka бот-бот эслаб туриши ҳам шундан далолат... Декорация тайёр бўлди, Brimнинг умумбашарий миқёслардан туриб чизган суратлари ақлларни лол этиб, ҳайратларга кўмди. Энди унга мос спектакль, буюқ спектакль яратиш лозим эди. Таассуфки, бу спектакль яратилмади. Ҳануз яратилмаяпти...

Баҳодирнинг ўспиринлигига ёқ Ҳамлет билан дўст тутиниб, кейинроқ бу дўстлик армонга айлангани, армон таскин исташи, таскин эса “ақлли баҳоналар”дан туғилишини айтиб эдик. Ҳақ рост шундай! Баҳодир аканинг театрдан

ташқаридаги ҳаёти, фаолияти ҳар қанча зарур, зўр ва шарафли бўлмасин, катта-катта анжуман ва тадбирлардаги бадиий томошалар, майдон томошалари қанчалар куч-ғайрат, топ-қирлик, юрак қўри талаб этмасин ва улар унча-мунча театр спектаклларидан муҳимроқ ва мураккаброқ бўлмасин, барибир, улар Баҳодир Йўлдошевнинг таскинлари, “ақлли баҳоналар”и. У “театр ҳар хил бўлиши керак – майдон, камер театри ва асосийси ҳалқ учун доим зарур театр бўлиши керак”, деб ўз жорий кори-аъмолини бўрттириб, бехуда умр ўтказмаётганини таъкидласа-да, барибир, умр хилқати театр эканини бир нафас бўлса-да ёдидан чиқармайди.

Театр билан ришталар узилмасин, жараённинг ичида бўлай деб маданият институтидан ўн-юн беш шогирд олиб, Ўзбек Давлат драма театрида нималарнидир ўргатмоқчи бўлади. Улардан ё режиссёр, ё актёр тайёрлайман деган дастлабки фикридан эндиликда воз кечиб, улар ҳеч бўлмаса, яхши томошабин бўлиб шаклланишсин, дея умид қиласди. Майдон томошаси қўйишга чоғи келадиган беш-олти режиссёр тарбиялаш керак деб, ҳар турлик амалдорга ўз талабларини маъқуллатиб, театр студияси, ўқув курслари каби не бир тараддуллар билан яна тақдирдан чалғиб, аникроғи, унга чап бермоқчи бўлади. Тасалли – педагогика билан “жиддий” шуғулланиш, гўё. Аммо бир нарса аниқ – педагогика бу ҳамиша дидактика,

панду ўгит. Баҳодир Йўлдошевнинг эса феълиатвори ҳам, туриш-турмушию ўй-кечмиши ҳам, ўзи яратган театр дунёси ҳам панду ўгитдан йироқ. У ҳамиша фикрни ёндириб, тафаккур ёлқинларини ёқиб яшаган. Ўй-мушоҳададан, бадиият жозибасидан лаззат олган ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этган, ёлқинлантирган. Унинг спектаклларидан ҳеч бир томошабин насиҳат эшитиб чиқсан эмас. Тўлиб-тўлиб йиғлаган, тўйиб-тўйиб кулган, изтиробланиб, азобланиб чиқсан ва барини фикратига жо қилиб, хаёлларида ғалаён, қалбида түғён билан томоша залини тарқ этган. Алалхусус, бугун бутун миллат тафаккури ёниқ фикрга, мулоҳаза-мушоҳадага, ўзимизни танидикми, ҳақу ноҳақ қаерда, тўғри не-ю эгри нима, қаерга кетяпмиз, иймон-эътиқодимизга, диду диёнатимизга оид оғрикли саволларга муҳтоҷ. Бу саволларни азалу абад адабиёт ва санъат илгари сурган. Кишиларни гўзаллик, ҳайрат ила саодатга йўллаган... Умид улки, шояд, Баҳодир aka Яратганинг ўзи битган қисматида қойим бўлса! Бир кетганга бир қайтиш ҳам бор, дейдилар-ку машойихлар!..

2007 йил

4

Ха, ниҳоят қайтди... Агар буни қайтиш деб айта олиш мумкин бўлса, унинг қайтгани рост. Мана, етти-саккиз йилдирки, Баҳодир

Йўлдошев “Дийдор” театр-студиясининг бадиий раҳбари. Ўқув-машғулот саҳнасилик мўъжаз бир саҳнада мўъжиза яратиш иштиёқида... Йўқ, бундай баландпарвоз иддаоларни Баҳодир aka сира айтмаган, айтмайди ҳам. Аммо қай бир ҳамиятли, закий зот кўнгил орзуларини дастурхон қилиби?!

“Жаннатмакон” журналининг 2008 йил ноябрь сонида эълон қилинган сұхбатда Баҳодир Йўлдошевнинг сұхбатдоши Бертолъд Брехтнинг бир шеърига фикран ишора беради:

Ортда қолди тоғларни забт этмоқ машаққатлари,  
Олдимизда туарар энди текисликнинг зўр  
захматлари.

Камина шеърий шаклга солишга уринган бу мисраларда айнан устоз санъаткорнинг кейинги даврлар ҳаёт аъмоли акс этганб десам иштибоҳ бўлмас...

Баҳодир Йўлдошев янги асрнинг ilk йили Ўзбек давлат драма театрининг ўзи Георгий Бrim билан не-не ниятларда орзулақ кенгайтирган катта саҳнасини тарқ этгандан буён “фалат” ишлар қилди. Сирдарё вилоят театрида спектакллар қўйди, анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиш ва ёпилиш тантаналарини саҳналаштирди, яна кўп турли майдон ва номайдон, яъниким Наврӯз байрами, Халқаро хотин-қизлар куни, Конституция байрами, Устоз ва мураббийлар куни ва ҳоказо

томушаларга режиссёрлик қилди. Буларнинг ҳар бирида Баҳодирона кўрим, ечим ва маҳобат борлигини инкор этиб бўлмайди... У ҳар қанақа одамни биринчи сухбатдаёқ ўзига тортиб, мафтун этади. Фикрларининг оҳори, кутилмаганлиги, гоҳи фавқулоддалиги билан истаган сухбатдошини асир этади. Инчуунин, спектакль ёки томошаларидағи томошавий жозиба, ҳайбат ёки ҳиссий пўртналар билан томоша қилувчини беихтиёр ҳайратга чулфайдики, том маънода унинг мухлисига айланиб қоласиз. Бу ҳақда аввал ҳам бир неча бор сўз юритгандик. Бинобарин, бу ўринда яна фикрий такрорга боришнинг сабаби шуки, Баҳодир Йўлдошевнинг майдон ё номайдон (мингминглаб томошабинни қамраган очиқ ё ёпиқ стадион, концерт заллари) томошаларидағи режиссёрлиги ҳозир, айни замонда Ўзбекистонда ғоят талабгир, ўзи эса беназир ва ягона бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у томошадан бу томошага, у тадбирдан бошқасига тинимсиз жалб этилаверади, ишлатилаверилади. Йўқ дейишнинг эса андишаси... бошқачароқ... Гоҳида ачиниблар кетасан...

Бироқ... бироқ биласанки, у ўзганинг фикри билан иш тутавермайди ва қолаверса, андишаси ҳам шуки... бу бесаранжом замонда “кераксиз кимса”га айланиб қолишдан Худо асрасин. Оқибат туйғуси, қадрияти тобора кўтарилиб бораётган бу шафқатсиз очунда ҳаммасига қўл силтаб кетиш деярли мумкин бўлмаган ҳаракат.

Ҳа, муҳими, кераксан, сенинг кори-юмушингга ҳозирча эҳтиёж ва эҳтиёжмандлар бор...

2008 йил бошларидан “Дийдор” театр-студиясида бадиий раҳбар сифатида иш бошлади. Бу унинг “Дийдор”да ишга расмийлаштирилиш санаси. Аслида бундан бир йиллар аввалроқ Баҳодир ака ўша “катта амалдор” кўмагида “Дийдор” театр-студиясини ҳам моддий-ташкилий, ҳам ижодий жиҳатдан қайта қуриш ва ислоҳ қилишга киришиб кетган эди. Бу мўъжазгина маскан Баҳодир Йўлдошев наздида ўзига хос театр-томуша лабораториясига айланниши, ҳам спектакллар кўйиш, ҳам режиссура, актёрлик санъати бўйича ёшларни тайёрлаш тажриба майдони бўлиб қолиши керак эди. Унинг, мана, қарийб саккиз йиллик умри, уринишлари, ўй-ташвиши ана шу маскан – “Дийдор” режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси. Бу ерда жараён театр назарияси ва амалиётининг тўлиқ муштараклигида ташкил этилди. Ижодий ходимлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийди-ўрганади, ҳам профессионал асосда спектакллар кўяди, роллар ижро этади, соз чалади, қўшиқ куйлайди ва ҳоказо неки зарур бўлса, росмана бир театр одамининг тўлақонли шаклланмоғи учун барчасидан воқиғу восил...

“Тоғларни забт этмоқнинг ортдаги машаққатларию текисликнинг олддаги заҳматлари” – немис классигининг барча интилувчи, яратувчи зиё аҳлига нисбат берса бўладиган бу ҳикматли

фикрида не-не буюкларнинг умру кечмишлари мужассам...

Баҳодир Йўлдошев чорак аср росмана тоғ begи бўлмоқ иштиёқида яшади, курашди, яратди. Гоҳи мағлуб, аксар голиб бўлиб чўққиларни забт этди. Коя лабига етганда нохос туртиб-чилишлардан озурда дамлари ҳам кам бўлмади. Аммо ёшлиқ файрати-шижоатими, ўзига бўлган ишончнинг қатъияти, ўжарлигими, йиқилса-да туриб, энгил-бошини қоқиб, яна жабҳаларга кирди. Бироқ кейинчалик, ўзи айтмоқчи, “ўзини енгиш – ҳар куни, ҳар дақиқада ўзи билан олишиб яшаш” нихоятда оғир кураш эканини кейинроқ ҳис қилди, кейинроқ англади. Энди унинг ақидаси ҳазрат Алишер Навоий таъбирича:

Ўз вужудингға тафаккур айлагил,  
Неки истарсан ўзингдан истагил.

Ана шундай bemalollik ва ўз-ўзи билан курашда Баҳодир aka “Дийдор” студиясида бир неча спектакллар қўйди, кўпроқ “мастер класс” тарзида бадиий раҳбар бўлиб кўлидаги ёшлар номи билан ижодий тажрибалар ўтказди. “Майсаранинг иши”, “Нодирабегим”, “Ҳалима”, “Хотирам синиқлари”, “97-хона”, ҳазрат Алишер Навоий фазалларига мусиқий-томошавий-поэтик композициялар тайёрлади ва буларни республика телевидениесининг бир неча каналлари кўзига суртиб қайта-қайта

намойиш этиб турибди. Номи қайд этилган тажриба – томошаларнинг, мусиқий-поэтик композицияларнинг бари яхши, бири-биридан яхши...

Факат... факат нега энди “Дийдор” студияси репертуари деярли тўлиқ таниш номлардан иборат? Баҳодир Йўлдошев забт этган табиий чўққилар эндиликда текислик узра тикланаётган сунъий тепаликлар эмасми, ишқилиб? Шу шубҳа-гумонларда “Майсарапанинг иши”ни, “Нодирабегим”ни, “97-хона”ни кўрасиз. Йўқ, турфа хил. Турфалиги ижрочилар ўзга – ёшнавқирон, ашулалар, ариялар салмоғи баланд, ижроси хонаки табиий, реквизит демаса, декорация деярли йўқ, албатта, студиячилик талабларига мос ҳолда, боз устига томошабин билан актёрлар муносабати янада яққол – ҳар бир кўз қараши, нафаси, жест-мимикасини рўпарангда икки-уч қадамлик масофада кўриб, ҳис қилиб турасан. Шундок қулоқларинг остида Назокат Нарзиеванинг азтаҳидил гирялари жаранглаб туради. Бироқ... Айтмоқчи, шу қизгина Баҳодир аканинг сўнгги йиллардаги ўзига хос топилма – кашфиёти. Ўзбекистон консерваториясида анъанавий ижрочилик бўйича таҳсил олган хонанда – ҳофиза Майсара ва Нодирабегим ролларида театр актрисаси сифатида ҳам шаклланиб боряпти. У яна ҳазрат Навоий фазаллари асосидаги поэтик композицияларда ҳам етакчи ижрочи ҳофиза. Ҳассос шоирамиз Зулфиянинг

“Хотирам синиқлари” достони асосида 2014 йил бошларида сахналаштирилган поэтик спектаклда ҳам она сиймосида ёдда қоларли күринишлар қылды. Мұхими, бу қызда Баҳодир Йўлдошев оҳанрабосидан (юнонлардан олиб дунё қўллаётган “мода”даги “харизма” тушунчасини ўз лисонимизга моҳияттан яқин “оҳанрабо” деб ўғирсак бўлади) маҳлиёлик ва фидойилик уфуриб туради. Ножоиз хаёллардан ўзи асрасин-у, бу ҳам Баҳодир акани узоқ йиллардан бери биладиганлар учун таниш ҳолат. У спектакль қўйган, ишлаган жамоаки бор, албатта уларда Баҳодир акага беқиёс ҳурмат, маҳлиёлик бўлади. Аксарияти кейин бошқа режиссёрлар билан ишлолмай қоладилар. Ҳатто шу сабаб театрдан бўшаб кетгандар ҳам бўлганига камина гувоҳ.

“Хотирам синиқлари” Баҳодир аканинг “Дийдор”даги ҳар жиҳатдан оригинал иши. Аввал-бошданоқ поэтик театрга мойилликми ва умуман, Баҳодир Йўлдошевнинг “Шарқ театри поэтик театр бўлиши керак” деган ишончиданми, кейинги йилларда ислоҳ топган ўз қарашларини амалда исботлашга уриняпти.

Зулфия достони шоиранинг холу ҳаёти сўнгларидағи поэтик тазарруси ва видоси бўлди. Унда умр бўйи баҳтлиман деб ўтган инсоннинг тўкилмай, ичига ютган аламлари, армонлари бор залвори, эҳтирос тошқинлари билан қофозга кўчган. Шоиранинг ўзи айтмоқчи, “Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим”.

Спектаклда ҳам ана шу мисрадаги фикр бош концепция бўлган. Шоира сиймосида гавдаланган актриса Гулбаҳор Йўлдошева Зулфия опанинг умр шомига яқин бор кечмишини хаёл қўзгусида жонлантириб, ҳиссий-фалсафий мушоҳадаларда бутун умри ўтган даврни ва ўз таржимаи ҳолини қайта идрок этади.

Тақдир, тақдир дедим, яшадим узок,  
Тақдир пешанага ёзиқ дейишиди.  
Ёзиқни деворга урдим-у, бирок  
Мен синдим, қонимдан ғиштлари пишди.

Шу аснода саҳнада гоҳ шоиранинг онаси (Назокат Нарзиева), гоҳ суюкли ёри – шоир Ҳамид Олимжон (Илёс Арабов), гоҳ қатағон этилган акаси, нозирлар, қора кучлар ва ҳоказолар бирин-кетин лирик қаҳрамон таржимаи ҳолининг рамзий ишоралари бўлиб жонланиб туради. Бош қаҳрамон – шоиранинг ўзидан бошқа хеч бир персонаж сўз айтмайди, ўрни билан қўшиқ куйлайди, холос. Режиссёр биладики, шеър, мусиқа, оҳанг фонида ҳар қандай қора сўз спектаклга путур етказади, томошабиннинг поэтик аурадаги сомеълигини бузади. Инчунин, поэтик театрнинг бор жозибаси, ўзига хослиги бари шунда.

Баҳодир ака аслида Станиславский системасидаги, анъанавий реалистик, кечинма теат-

ридан 2000 йиллар арағаларидага узоклаша бошлаган эди. Айниқса, “Искандар” спектаклини сақналаштириш олдидага жарайтады да жараёнда ҳазрат Алишер Навоий шеърият оламига яқинлашиб, мунтазам кириб боргани сайин ундаги қарашлар ислоҳ топа бошлаганди. Бунга унинг ўзи юқорида зикр этилган сұхбатидагы шоҳидлик ҳам беради: “Мен ўйлайманки, ўзбекларнинг биринчи драматурги – Навоий. Алишер Навоийнинг ҳар битта шеъридан спектакль яратса бўлади. Яхши, етук, чиройли спектакль ёки фильм яратса бўлади. Ўзбек театри – поэтик театр, аслида. Бизни Европа театри билан қўшиб юборишгани, бизнинг театрда Европа театри шакллантирилганининг ўзи нотўри бўлган. Бизнинг ўзбек театримиз – давра театри, аслида. Бизнинг театр – поэтик театр, поэтик-фалсафий театр. Алишер Навоий ижодининг ўзида ўзбек миллий актёрини тайёрлаш, тарбиялаш мумкин” .

Албатта, бу фикрлар мушоҳадага ундейди, аммо уларни қабул қилиш маҳол. Сұхбат давомида мисол тариқасида келтирилган Япониянинг “Кабуки” театри ёки Баҳодир ака назарда тутган “Шарқнинг ўз актёрлари, ўз актёрлик мактаблари, ... усуллари” уларнинг ўз ватанларида ҳозир ҳам бор, яшаяпти. Лекин улар кўпроқ хорижликлар учун экзотик томоша ёки ёш авлодлар учун ўтмиш маданий мерос ва қадрият сифатида сақланиб келаётганини ҳам мулоҳаза қиласлий. Айни чоғда “Кабу-

ки” билан бир қаторда Станиславский системасидаги реалистик театрлар қизғин фаолият юритаётганини, Достоевский, айниқса, Чехов ва XX асрнинг энг машхур барча замонавий драматурглари тажрибалари япон театрининг тараққиётини белгилаб берәётганини эслатмоқ үринли. Бинобарин, европача театр шаклланмай, ўз анъанавий театр-томуша мактаб ва усулларидагина барқарор қолган Шарқ мамлакатларининг аксарияти умумисоний тараққиётдан ҳам бир мунча ортда қолаётганини мушоҳада қилмоқ керак. Айнан шу сухбатнинг ўзидаёқ Баҳодир ака “Искандар” спектаклида фақат достон сюжети билан чекланмай, Навоийни бор бўй-бости билан олиб кўрсатишга ҳаракат қилгани ҳақида берилган саволга “агар шу йўлни тутмаганимизда, эҳтимол, спектакль чиқмасди. Балки шунчаки чўпчак бўлиб қолармиди? Ҳамма гап шунда эди”, дея жавоб бериб, юқоридаги ўз фикрларини шубҳа остига қўяди. Балки айнан ҳазрат Навоий достонларининг, умуман, бадиий сюжетларининг фалсафий-психологик моҳиятини, эҳтирослар тўқнашувларини, дохиёна фоявий концепцияларини ва уларнинг сахнавий ҳаракат учун “мана ман” деб турган бағоят чўнг бадиий-мантиқий изчиллигини англамаганимиз, идрок этишга интилмаганимиз ё билим-тушунча, уқувларимиз етмагани боис уларни шу пайтгача инсоний индивидуал кечинмалар майдони эмас, балки чўпчак тарзида сахналаштириб келгандирмиз. Машхур инглиз

режиссёри Питер Брукнинг буюк хинд эпоси “Маҳобхорат”ни европача театр усулида сахналаштирганини ва албатта, Баҳодир Йўлдошевнинг худди ўшандай “Искандар”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си сюжетларидағи “Фаридун” спектаклларини бу ўринда ёрқин мисоллар сифатида ёдга олиш муҳим. Булар ҳам поэтик театр намуналари. Уларда ижтимоий-фалсафий, интеллектуал-психологик, адабий ва анъанавий ҳалқ театрларининг идрок этилган муштарак кўринишлари намоён бўлади. Лекин барчаси замонавий Европа театри йўналиши доирасида, албатта. Айни чоғда бундай спектакллар режиссёрнинг кучли салоҳияти ва ақлий ҳам руҳий сафарбарлигини талаб этади. Бу энди шунчаки томоша эмас. Балки айнан тоғларни, чўққиларни забт этиш ҳаракати, азобизтироби. Бундай спектаклларни текисликда яратиб бўлмайди.

## 5

Жорий 2015 йилнинг май кунларида “Дийдор” режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студиясида Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри билан ҳамкорликда тайёрланган Нил Саймон асари асосидаги “97-хона” спектакли премьераси бўлди. Мазкур спектакль энди Европача анъанавий реалистик театр йўналишида. Тўғри, Баҳодир ака бунга ҳам поэтик театрнинг не бир унсур-деталларини

кўшибди. Мухими, томошавийлик ва фикр. Шунга хизмат этувчи барча усуллардан фойдаланишга тайёр у. Аслида ҳам шундай. Яна улуг Константин Сергеевич Станиславский айтмоқчи, “Борингки, режиссёр постановкаси ва актёрлар ижроси реалистик бўлсин, шартли, ўнгу сўл йўналишда, импрессионистик, футуристик... бўлсин, барибир эмасми, мухими, у ишонарли, яъни ҳақиқий ва ҳаққоний, чиройли, яъни бадиий, юксак ва инсон руҳиятининг асл хаётини ифода этсин, негаки, буларсиз санъатнинг ўзи йўқ”.

“Нима учун саҳна баландроқ жойлашган? Фақат томошанинг яхши кўриниши учун эмас, балки бу – саҳнадаги актёр савияси, дунёқарashi баландроқ бўлишининг рамзий белгиси. Ўшандагина у етакчилик қила олади”. Бу иқтибос ҳам Баҳодир аканинг сўzlари. Шу фикрни ўқиб туриб хотира жонланади, Миллий театрнинг Баҳодир Йўлдошев бош режиссёр бўлган даврлардаги саҳнаси, кейинроқ Ўзбек давлат драма театрининг Г.Бrim билан бирга қайта қурган ва ҳозирда ҳам ҳаракатдаги саҳнаси баландлиги кўз олдимга келади. Уларни беихтиёр “Дийдор” театр-студияси билан қиёслайман...

Айтадиларки, шоирлар башоратга мойил одамлар. Билҳақ, уларнинг эркалиги, эл бегилиги ҳам шундан. Шоирлиги билан қалбларни ўртаб, фикратларни талотўп айлаган эрка шоиримиз Усмон Азимнинг бир пайтлар дўстига

atab ёзган сатрларида башоратнамо самимият  
мужассамлигини рад этиб бўлмас:

Бир кун сахна тўхтаб қолса,  
Гуноҳимиз йўқ, Баҳодир.  
Лекин ўзни оқламоққа  
Гувоҳимиз йўқ, Баҳодир.

Шоир зоти, эл-улус нима демасин, Баҳодир  
ака ишлайти. Бирор кун театрдан, томоша  
ташвишларидан узилгани йўқ. Унинг етмиш  
йиллик ҳаётининг сўнгги ўн беш-йигирма или,  
айниқса, ниҳоятда тифиз, тинимсиз ҳаракатда  
кечяпти. Ҳеч шубҳа ва истиҳоласиз такрор-  
батакрор айтгимиз келадики, Миллатнинг  
шундай вакиллари борлиги – баҳти. Илоҳо,  
баҳти пойдор бўлсин!

2015 йил

## **МУНДАРИЖА**

“Одам – театр” (“Изоҳнома”га изоҳ) .....	3
Изоҳнома.....	8

### **I. Сахна ҳайратлари ёхуд Баҳодир**

Кумдаги режиссёр.....	24
Шахслар фожиаси .....	29
Фаранг “Малика”си ва	
ўзбек Баҳодири.....	51
Ёқимтой қитмирлик.....	57

### **II. Қисмат**

Баҳодир Йўлдошевнинг инсоний ва	
ижодий портретига чизгилар.....	68

*Адабий-бадиий нашр*

**Шухрат РИЗАЕВ**

**БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ  
ТЕАТРИ**

*(Мақолалар, бадиалар, қайдлар)*

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*

Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*

Мусахҳих *Фотима Ортикова*

Компьютерда саҳифаловчи *Юсуф Исломов*

Нашр. лиц. АI № 154. 14.08.09.

Босишига 2015-йил 3 сенябрда руҳсат этилди.

Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма.

10,75 шартли босма тобок. 9,82 нашр тобоги.

Адади 1000 нусха. 434 ракамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг


Faafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.

100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)      E-mail: [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



ISBN 978-9943-03-649-9



9 789943 036499